

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ 4 ИЮНЬ КУНИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ЕР ВА СУВ РЕСУРСЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ БОРАСИДАГИ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРГА БАҒИШЛАНГАН ЙИФИЛИШ ЎТКАЗДИ.



НУҚУҚ

1997-йil 27-avgustdan chiqa boshlagan

www.huquq.uz

2019-й. 6-ИЮН, №23 (1168)

**32 НАФАР
ШАХСНИНГ
ЙЎҚОТИЛГАН
ИШ ЎРИНЛАРИ
КАЙТА
ТИКЛАНДИ.**

**ЖАВОБ ХАТЛАРИ
АНИҚЛАШНИНГ
ИМКОНИ
БЎЛМАГАН
МУТАХАССИСЛАР
ТОМОНИДАН
ИМЗОЛАНГАН.**

**ЁШ ТАДБИРКОР
ЙИГИТНИНГ БОР
АҚЛУ ТАФАККУРИ
АФСУСКИ, ЖИНОИЙ
ҲАРАКАТЛАРГА
ХИЗМАТ ҚИЛДИ.**


**НУФУЗЛИ
БАНКДАН
ТАДБИРКОР
ФОЙДАСИГА КАТТА
МИКДОРДА
ҚАРЗДОРЛИК
УНДИРИЛДИ.**

**ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТ
БАНК ХОДИМИ
УЧУНМИ?**



**АҲОЛИ ТУРМУШ
ТАРЗИНИ ЯНАДА
ЯХШИЛАШ
МАҚСАДИДА ЖОРИЙ
ҚИЛИНАЁТГАН
ДАСТУРЛАРНИНГ
ИЖРОСИНИ
ТАЪМИНЛАШДА
АЙРИМ
МАСЪУЛЛАРДА
УМУММАНФААТДАН
КЎРА НАФС УСТУН
БЎЛМОҚДА**

4-бетда



**МИТТИ
ЮРАКДАГИ
ЖОҲИЛЛИК**

Вақтида
дариф тутилган
меҳр аччиқ
мева берди.

Мактаб ёшидаги
йигитча падаркушга
айланди.

6-бетда

**ЛИЗИНГГА МАШИНА ОЛИБ,
ЧУВ ТУШДИ**

**ТОПГАНИГА
ҚАНОАТ
ҚИЛМАГАН
ТАДБИРКОР
НАФСИГА ҚУЛ
БЎЛДИ.**



7-бетда



«ТЕЗКОР ХОДИМ» НИҚОБИ ОСТИДА

9-бетда

МИБ ХОДИМИГА ТАРСАКИ ТУШИРГАН АЁЛ

Ижтимоий тармоқларда МИБ ходимига тарсаки тушириб, сўнг очикдан очик унга тухмат қилишга ўтган аёл билан боғлиқ видео тарқалган эди.



Маълум бўлишича, Мажбурий ижро бюросининг Юнусобод туман бўлими иш юритувида М.Тожибаева фойдасига — қарздорлар Д.Ж., Ф.Ж. ва И.Ж.ларни Юнусобод тумани, 6-мавзедаги тегишли хонадондан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш ва бошқа турар жой бермасдан кўчириш ҳақидаги ижро иши мавжуд эди.

Ижро ҳужжати бўйича қарздор Д.Ж. берилган ихтиёрий муддатда уйдан кўчиб чиқмаган. Шундан сўнг мажбурий ижро ҳаракатларига киришилиб, жорий йилнинг 8 май куни тегишли уй эшиги холислар ва ундирувчининг вакили томонидан очилиб, хатлов ўтказилганда, хонадонга ижро ҳаракатларига алоқаси бўлмаган З.Д. кириб келади. У уй хоналаридан бирига кириб, тумбочкадан оқ рангли полиэтилен

пакетдаги нарсани олиб чиқиб кетишга ҳаракат қилган.

Давлат ижрочилари ундан кимлигини ва нима мақсадда уйга келганлигини сўраган вақтида у қўлидаги пакетда пул борлигини, улар ўзига тегишли эканини билдиради.

Давлат ижрочилари томонидан З.Д. тўхтатилиб, қўлидаги пакет холислар иштирокида кўздан кечирилган вақтида, унда 5 миллион 600 минг сўм микдорда пул, 952 АҚШ доллари, 20 Тожикистон сомониёни, 10 евро, 2 сингапур доллари, фуқаро Ж.Ф. номига берилган "VISA" картаси борлиги аниқланди.

Давлат ижрочилари томонидан ушбу пул маблағларини олиб кетишга асос йўқлиги тушунтирилиб, уни топшириш маълум қилинган.

Бирок, З.Т. ва унинг турмуш ўртоғи давлат ижрочиларига суд қарорини бажаришда қаршилиқ кўрсатиб, уларнинг қонуний талабларига бўйсунмасдан низоли пул маблағларини олиб чиқиб кетишга ҳаракат қилади. Қаршилиқ кўрсатиш жараёнида давлат ижрочисининг юзига шапалоқ тортади. Сўнг гўёки юзига давлат ижрочиси урганини айтиб, очикдан очик тухмат қилишга ўтади...

Мазкур ҳолат юзасидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 219-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Бош прокуратура ҳузуридаги МИБ
Жамоатчилик билан алоқалар ва
ҳуқуқий ахборот бўлими

ХАЛҚ ДАРДИ БИЛАН ЯШАМОҚ

ҳар бир раҳбарнинг бурчи

Аҳоли билан бевосита ва очик мулоқотни таъминлаш, мавжуд муаммоларни аниқлаш ҳамда уларни жойида бартараф этиш юзасидан тезкор чоралар кўриш Навоий вилоят прокуратураси органлари фаолиятида асосий ўринлардан бирини эгаллайди.

Мурожаатлар кўриб чиқиш учун бошқа давлат органларига асосисз берилиши, қарор ёхуд ҳаракати устидан шикоят қилинаётган давлат органлари ёки мансабдор шахсларнинг ўзига жўнатиш ман этилганига риоя қилинмоқда. Шунингдек, узоқ вақт давомида қонуний ечимини топмай келаётган мурожаатларни тегишли мутахассисларни жалб қилган ҳолда жойига чиқиб, мурожаат муаллифлари иштирокида кўриб чиқиш амалиёти йўлга қўйилган. Хусусан, фуқаро Ф.Юсуповнинг икки ёшгача бола пули тўлаб берилмаётганидан норозилиги тўғрисидаги мурожаати кўриб чиқилиб, унга 2018 йилнинг ноябрь-декабрь ой-

йил 19 мартда прокуратуранинг аралашуви билан АТ "Микрокредитбанк" Қизилтепа филиали томонидан 250 миллион сўм кредит маблағи ажратилиши таъминланди.

Шу каби Самарқанд вилояти Пахтачи туманидаги "Гуллобод" МФЙда яшовчи фуқаро А.Қодировнинг "Karmana agrotading" МЧЖдан иш ҳақини ундириб бериш тўғрисидаги мурожаати кўриб чиқилиб, прокуратуранинг аралашуви билан унинг 16 миллион 500 минг сўмлик иш ҳақи тўлаб берилди.

Фуқаронинг мурожаати асосида МФЙ раиси интизомий жавобгарликка тортилди.

Таъкидлаш лозимки, ўтказилган оммавий ва сайёр қабуллар давомида қабул қилинган мурожаатлар жойида ўрганилиб, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий масаладаги муаммолари қаноатлантирилмоқда. Жумладан, вилоят прокуратураси органлари томонидан 29 нафар тadbиркорга кредитлар ажратилиши, 16 нафар тadbиркорга 8,2 гектар ер майдони ва 2 нафарига махсус рухсатнома олиб берилишида амалий ёрдам кўрсатилди. 28 та корхона фаолияти тикланиб, 32 нафар шахснинг йўқотилган иш ўринлари қайта тикланиши таъминланган.

Шунингдек, вилоят прокуратура томонидан вилоятнинг Навоий ва Зарафшон шаҳарларида, Учқудуқ, Томди, Кармана, Конимех ва Қизилтепа туманларида ўтказилган сайёр қабулларда 512 нафар фуқаро иштирок этиб, улардан 298 та ариза қабул қилинган. Мурожаатларнинг 61 таси жойида ҳал этилди. Хусусан, 19 нафар фуқаро ишга жойлаштирилди, 13 нафарига даволаниш учун йўланма берилди. 27 нафар

Бахтиёр АХМЕДОВ,
Навоий вилоят прокуратура
ўринбосари

фуқарога ногиронлик аравачалари берилиши таъминланиб, 2 нафар тadbиркорнинг фаолиятидаги муаммоси ижобий ҳал этилди. Қолган 237 та мурожаат алоҳида назоратга олинди.

Бундан ташқари, вилоят прокуратураси органлари томонидан "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларининг бажарилиши аҳоли мунтазам ўрганилиб борилмоқда, бу соҳада давлат бошқаруви, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, маҳаллий ҳокимликлар ва бошқа ташкилотларда текширишлар ўтказилиб, натижаларига кўра, аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан айбдор шахсларга нисбатан тегишли чоралар кўриб келинмоқда. Жумладан, Хатирчи тумани "Парахун" МФЙ, Имом Ал-Бухорий кўчаси, 26-уйда яшовчи фуқаро Ф.Бозоровнинг имтиёзли кредит ажратилиши ва банк ходимларининг ҳаракатларидан норозилиги Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига rt.gov.uz орқали йўлланган мурожаати кўриб чиқилиб, қонун бузилишига йўл қўйган АТ "Микрокредитбанк" Навоий шаҳар филиали бошқарувчиси Ш.Авлиёқуллова нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 43-моддасига асосан маъмурий иш кўзга-тилиб, суд томонидан жарама жазоси тайинланган.

Навоий шаҳар прокуратураси томонидан шаҳар архитектура ва қурилиш бўлими бошлиғи Ҳ.Уринов томонидан фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш муддатлари бузилгани ҳамда ўз вақтида жавоб хатларини юбориш чораси қўрилмагани ҳолати аниқланди, унга нисбатан интизомий жавобгарлик тўғрисида иш кўзга-тилиб, ҳайфсдан эълон қилинган.

Кўшкўпирлик Муборак Отажонова анчадан бери қизини даволатиш учун маблағ тополмаётган эди. Шифокорлар унда жарроҳлик амалиёти ўтказиш зарурлигини айтишган, вақт эса ўтиб бормоқда. Вилоят прокуратури туманга ташриф буюриб, сайёр қабул ўтказишидан хабар топган аёл мулоқот жойига шошилди. "Зора, прокурор ёрдам қўлини чўзса..."

ОЧИҚ МУЛОҚОТ – МУАММОЛАРНИНГ САМАРАЛИ ЕЧИМИ

Учкун САЛАЕВ,
Хоразм вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

Хоразм вилоят прокуратура билан мулоқотдан сўнг Муборак опанинг кўнгли тоғдек кўтарилди. Боиси, прокурор аралашуви билан қизига вилоятдаги ихтисослаштирилган муассасада бепул даволаниш учун ордер бериладиган бўлди. Туман ҳокими эса дори-дармон олишга кўмаклашишини билдирди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 январдаги "Худудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тadbирлар тўғрисида"ги Қарори ижросини

Мурожаат қилувчилар орасида маҳалла-кўй манфаатларини кўзлаб келганлар ҳам учрамоқда.

таъминлаш мақсадида ташкил қилинаётган очик мулоқотлар аҳолини қийнаб келаётган муаммоларни жойида ҳал қилишга, одамларнинг турли идоралар эшикларини тақиллатиб сарсон бўлишларининг олдини олишга хизмат қилмоқда. Хоразм вилоят прокуратури Жаҳонгир Хатамов томонидан Кўшкўпир туманида ташкил қилинган сайёр қабулда 28 нафар фуқаро 31 та масала юзасидан мурожаат қилди. Ушбу мурожаатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг Кўшкўпир туман халқ қабулхонаси, тумандаги тўртта сектор раҳбарлари ва бошқа мутасаддилар иштирокида муҳокама қилинди.

Шуниси аҳамиятлики, мурожаат қилувчилар орасида шахсий муаммоларидан ташқари, маҳалла-кўй манфаатларини кўзлаб келганлар ҳам кўпчиликини ташкил қилди. Айтилиб, "Ўқбол" маҳалласида яшовчи фуқаро Гулчехра Одамова йўл ва кўприкни таъмирлашга ёрдам сўради. "Айронкўл" маҳалласидан Мурод Қиличев йўлни таъмирлаш, электр энергияси ва сув билан уз-қузис таъминлаш масаласида мурожаат қилди.

Умуман, сайёр қабул давомида қилинган мурожаатлар таҳлил қилинганда, уларнинг 5 таси уй-жой ва ер ажратиш, 4 таси меҳнат ва бандлик, 3 таси соғлиқни сақлаш, 2 таси ички ишлар органлари фаолияти билан боғлиқ ва бошқа масалаларни қамраб олганлиги аниқланди. Муаммоларнинг 2 таси жойида ҳал қилинди, қўшимча ўрганиш талаб этиладиган 7 та мурожаатнинг кўриб чиқиши назоратга олинди, 22 таси бўйича асослантирилган ҳуқуқий тушунтириш берилди.

Очик мулоқот жараёнида фуқароларга янги қабул қилинган қонунлар ва амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳияти юзасидан тушунтиришлар ҳам берилди.

Ташриф буюрган фуқаролар бу каби сайёр қабуллар халқ манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этаётганини эътироф қилдилар.

28 та корхона фаолияти тикланиши таъминланган.

лари учун икки ёшгача бола пули тўлаб берилди. "Авоқли" маҳалла фуқаролар йиғини раиси М.Уринов ўз хизмат вазифаларини лозим даражада бажармагани сабабли интизомий жавобгарликка тортилди.


Қизилтепа туманидаги "Раҳим" МЧЖ раҳбари М.Раҳимовнинг гишт маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун кредит ажратишда амалий ёрдам бериш тўғрисидаги мурожаати юзасидан 2019

ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ ЮКСАК НАМУНАСИ

Мамлакатимизда бугунги кунда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар, улкан бунёдкорлик, маънавий соҳадаги туб ўзгаришлар замирида азалдан халқимизга хос бўлган бағрикенглик ва кечиримлилиқ фазилатлари мужассам.

Шаҳар ва қишлоқларимизнинг кўйидаги янада обод қилиш, янги ишлаб чиқариш ва ижтимоий объектларни барпо этиш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Булардан қўзланган ягона мақсад — халқимиз фаровонлигини юксалтириш, аҳолига муносиб турмуш шароитини яратишдан иборат.

Мана шундай янгиланиш жараёнида фаол иштирок этаётган фуқароларимиз билан бир қаторда, ҳаёт йўлларида адашиб, ҳозирги вақтда хатоларидан тўғри хулоса чиқарган юрtdошларимизга мамлакатимиз равақига ҳисса қўшиш учун яна бир бор имконият бериш — жамиятимизнинг инсон-



парварлик ва адолат тамойилларига уйғун ва ҳамохангдир.

Маълумки, жиноят содир этган шахс нафақат ўзининг, балки фарзандлари, ота-онаси, қавму қариндошларининг ҳам келажағи ва тақдирига таъсир ўтказмасдан қолмайди. Озодликдан маҳрум бўлган киши азиз фарзандларини ўз меҳридан айириб, ота-оналарини ҳам айрилиқ доғига мубтало қилди.

Шу сабабли, хато қилган ва бугунги кунда қилмишига чин дилдан пушаймон бўлган шахсларни кечириб — юксак инсонпарварлик намунаси бўлиб, у яқин инсонини изтироб ва интизорлик билан кутаётган бутун бир оилани ян-

гидан ҳаётга қайтариш билан баробардир.

Ана шу ҳолатларни инobatга олиб, бугун Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев муборак Рамазон ҳайитини нишонлаш арафасида давлатимиз гуманистик сиёсатининг ҳамда халқимизга хос эзгулик ва меҳр-оқибат, кечиримлилиқ каби олижаноб фазилатларнинг амалий тасдиғи сифатида "Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида"ги Фармонни имзолади.

Мазкур инсонпарварлик акти — давлатимизнинг ҳар қандай ҳолатда ҳам фуқаролар учун гамхўрлигининг ёрқин мисолидир.

Зеро, жиноятга қўл ўрган, боши деворга теккандан сўнг адашганининг тушуниб етган одамларни афв этиш — муқалдас динимизнинг ҳам асосий арконларидан бири саналади.

Фармонга мувофиқ, содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум қилиш жойларида жазо ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва ту-

залиш йўлига қатъий ўтган 575 нафар фуқаро афв этилди.

Уларнинг 361 нафари жазодан тўлиқ озод қилиниб, ота-онаси, фарзандлари ва яқинлари бағрига қайтарилади, шунингдек, 214 нафар шахснинг озодликдан маҳрум этиш жазо муддатлари қисқартирилди.

Афв этилганларнинг 7 нафарини 60 ёшдан ошган шахслар, 6 нафарини аёллар, 1 нафарини чет эл фуқароси ташкил этади.

Давлатимиз раҳбари Фармонда қайд этганидек, жиноят содир этган шахсларни фақат жазолан эмас, балки "Жаҳолатга қарши маърифат" гоёси асосида қайта тарбиялаш, уларнинг ўз ҳалол меҳнати билан жамиятда муносиб ўрин эгаллаши учун барчамиз бирдек масъулмиз.

Шунга кўра, Фармон ижросини таъминлаш мақсадида афв этилган шахсларнинг ижтимоий мослашуви, уларни фойдали меҳнатга жалб этиш ва соғлом турмуш тарзини йўлга қўйишига кўмаклашиш юзасидан масъул вазириқлар, идоралар ва ҳокимликларга тегишли топшириқлар берилди.

ЎЗА

Кундалик эҳтиёж учун зарур бўлган гўштни нархи йил сайин ошиб бормоқда. Давлатимиз аҳолини ўйлаб, турли ресурсларни ишга солган ҳолда гўштни нархини ушлаб туришга ҳаракат қилаётганидан ҳам хабарингиз бор.

Дарҳақиқат, марказлардаги бозорларда мол, қўй, товуқ гўшти ҳамда балиқ маҳсулотларининг халқимизга имтиёзли нархларда етказиб берилишида давлат муҳим аҳамият касб этмоқда. Қайд этиш лозимки, амалга оширилаётган бундай хайрли ишлар туфайли кам даромадли оила-ларнинг ҳам қозониға гўшт тушмоқда. Қолаверса, бу билан бозорларда гўшт маҳсулотлари нархининг кескин ошиб кетишининг олди олинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 8 майдаги "Ихтисослаштирилган сўйиш корхоналари фаолиятини тартибга солиш ҳамда истеъмол бозорига гўшт ва гўшт маҳсулотларини етказиб бериш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори эса аҳолига сифатли гўшт етказиб беришда хизмат қилади.

НОИНСОФЛИК ҲАМ ЭВИ БИЛАН

Бозорларимизда сотилаётган товуқ гўшти ҳамда балиқнинг сифати ва арзонлигини эътироф этиш лозим. Чунки бутун товуқ дейсизми ё лаҳм қисмими, исталган жойидан харид қилишингиз мумкин. Барака толғур сотувчилар харидорлар талабига қўра, товуқни бўлақларга бўлиб ҳам сотаяптилар. Балиқчилик ҳўжалиқларидан тирик ҳолда келтирилиб сотилаётган балиқлардан харид қилсангиз ҳам, барака топасиз. Чўнтақиб нархию, мазасига ҳам эътироз йўқ. Уйга келтириб оилангиз билан мазза қилиб тановул қилганингиздан сўнг, уни етиштирганлар ва сотганларнинг ҳақиқия дуо қиласиз. Лекин мол ва қўй гўштинга нисбатан, афсуски, бундай таърифни бера олмайсиз. Босиси, расталарда арзонлаштирилиб сотилаётган мол ва қўй гўшtidан харид қилаётган ҳамюртларимизнинг ақсарияти пулини олиб, қўларига тутказилган гўшдан норози. Бунда гўштининг сифатига эътироз йўқ, ҳамма гап унга қўшиб сотилаётган суякда.

Бир танишим дийдиё қилиб қолди, арзон сотилаётган гўшtlарга четдан суяқ олиб келиб, қўшиб сотишаётган эмиш. Кейин ўзи гувоҳ бўлган воқеани айтиб берди. "Онамнинг туғилган кунда уйимда кичикрок йиғин қилдим", деб гапини давом эттирди у. "Аёлим бозордаги арзонлаштирилиб сотилаётган гўшtidан оламиз, деди. Мен ҳам унинг галига ҳўп, дебман. Хуллас, бир йил аввал турмуш ўртоғим ва ўғлим билан пойтахтимиздаги Миробод дехон бозорига бордик. Гўшт арзон сотилаётган растага келиб, савдо қилаётган йиғитга 5 килограмм



MULOHAZA UCHUN MAVZU

ҚАЛЛОБ ҚАССОБЛАР "ЎЙИНИ"

гўшт бер, десам, у бир кишига 2 килограммдан ортиқ сотиш мумкин эмас, деди. Мана биз уч кишимиз, майли, 6 килограмм беравер, дедим. У рози бўлди, фақат 2 килограммдан алоҳида-алоҳида қилиб тортиб беришини айтди. Бу ерда гўшт бошқа дўконларга ва супермаркетларга нисбатан анча арзон бўлгани учун унинг талабига рози бўлдим. Нимталаб қўйилган гўшtidан икки бўлагини тарозига қўйди, ичимда арзон гўшт бўлса ҳам зўр экан, деб қўйдим. Чунки тарозига тушган гўшт бўлақларининг суяги ўзи билан, супермаркетларда сотилаётган гўшtidан кам жойи йўқ эди-да. Бир пайт гўшт сотаётган йиғит илики суяқ ҳам қўшамиз-да, деб растанинг тагидан муштумдан каттарок суяқни ҳам тарозига қўйди. Бу ҳам камлик қилди шекилли, сотувчи растанинг тагига яна қўл узатиб, бир суяқни олди-да, буниси пайли, шўрвага солсангиз, хаш бўлади, деб уни ҳам бояги икки бўлақ гўштининг устига қўйди. 2 килограммдан сал ошди, фалон сўйлик бўлди, деди. Ука, гўшtlга кўп суяқ қўшилмадим, деб эътироз билдирсам, ака, арзон гўшт топиб келишининг ўзи бўлмайпти, шунга озгина суяқ қўшсам, олган пулим ҳам чикмайди-ку, деб дўқ ҳам уриб қўйди.

Хуллас, уйга келиб икки килограммдан қилиб тортилиб, учта қора целлофан пакетга солинган гўшtlарга қўшилган муштумдек-муштумдек суяқларни олиб, қолганини тарозига қўйдим. "Шоввоз" нақд икки килограммдан ошиқ "тақир" суяқни гўшtlга қўшиб ўтказибди. Бу суяқларни лаҳм гўшtlга қўшиб берганда ҳам алам қилмасди. Қолган гўштни олган пулимга чақсам, супермаркетнинг гўшtidан ҳам қимматга айланди. Қолаверса, гўштни сотувчилар эмас, балки чорвадорлар имтиёзли нарҳда ем харид қилиш учун бозорларга келтирар экан", деб танишим тиззасига бир шапати уриб қўйди.

Унинг гапларини эшитиб, елка қисдим-да, ичимда нахотки, дея бунинг тагига етишни мақсад қилдим. Бир пайтлар бозорда гўшт сотган дўстимнинг ёнига бориб, ундан бунга изоҳ сўрадим. "Қўй сўрама, ўзим ҳам ўша пайтлар шунинг орқасидан пул топганман, кейин билсам, одамлар роса норози бўлган экан", деди. Қистовга олаверганимдан кейин у бошидаги қалпогини қўлига олиб, бошини бир қашлаб олдида, аста гап бошлади.

Марказий дехон бозорчилирга навбати билан чорвачилик фермер ҳўжалиқлари томонидан мол, қўй, товуқ гўшти ва тухум етказиб берилади. Бу маҳсулотларни арзон нарҳда етказиб бергани учун давлатимиз томонидан уларга имтиёзли нарҳда ем маҳсулотлари берилади. Улар

гўштни бозорга келтириб беради ва тегишли ҳўжатларни расмийлантириб, пулини олади ва ортига қайтиб кетаверади.

Мол гўшти сотадиган "шоввоз"лар эса ҳар килограмм гўшtlга йўқ деганда, 300 граммдан суяқ қўшиб сотади. Шунинг ортидан яхшигина даромад қилишади. Қўй гўшти сотадиганлари эса ташқаридан чарви ёки буйрак ёғи олиб келиб, гўшtlга қўшиб сотишади. Чунки чарви ва буйрак ёғларини қўтарасига олсангиз, гўшtlга нисбатан анча арзон тушади. Мен ҳам ўша пайтларда шу йўл билан пул топиб юрдим, лекин бирин икки бўлмади, биздан гўшт олмағларнинг ақсарияти норози бўлган экан-да!..

— Ҳозир бу усулдан гўшт бозорларда ва турли дўконларда одамларга арзон гўшт тақлиф қилаётган барча қассоблар фойдаланиб, одамларга гўшт сотишмапти, — деди супермаркетдан

Ҳозирги кунда ўзи лафз қилган муддат ичида молнингизнинг пулини олиб келиб берадиган қассоблар деярли қолмади.

гўшт харид қилаётган, ўзини Файрат Нишонов, деб таништирган фуқаро. — Гўштни арзон сотадиган ўша "Элга хизмат" ва "Чорсу"даги расталардан ҳам олдим. "Катта суяги"ни олиб, ҳисоб-китоб қилсангиз, супермаркетдаги гўштининг нарҳидан ҳам ошди кетади.

Маҳалламизда қорамол боқадиган хонадон эгалари байрамлар арафасида ўзлари бўрдоқига боққан молларини сўйиб сотишади. Улардан қанча гўшт олсангиз ҳам алоҳида катта-катта қўшиладиган илик ёки пай суяқларини кўрмайсиз. Чунки улар ташқаридан суяқ олиб келишмайди-да. Гўшт нимталанганда, сўйилган молнинг суяқлари гўшт бўлақларига мосланиб, тақсимланаверади. Истеъмолчи эса уни ўзининг таъбиға қараб гўшtidан ажратиб олаверади.

Юқоридигилардан келиб чиқиб ҳисоб-китоб қиладиган бўлсак, агар бир килограмм гўшtlга 300 грамм суяқ қўшиб сотилса, 200-250 килограмм гўшtlга 60 килограммдан ошиқ суяқ қўшилилади-ку! Ноинсофлик шунчалки бўладиими?!

МОЛ БОҚАЯПМИЗ-У, ҲОЙДАСИНИ ҚАССОБЛАР КўРАЯПТИ

— Жиянларим мол боқиб, ҳалол тирикчилик қилиб туради. Дабдурустдан бошқа иш қилмоқчи эканликларини эшитиб қолдим-да, нима гапланини сўрадим, — деди хусусий чорвадор Илхом Тулаганов. — Тоға, мол боқиб қийин бўлиб қолди, емиши қиммат, хизмати оғир, устига-устак, ўлиб-тирилиб, гўнга беланиб, мол боқаяпмиз-у, ҳойдасини қассоблар кўраяп-

ти. Сўйиб берсангиз ҳам, оёғида бозорга олиб чиқсангиз ҳам аҳвол шу, деб нолишди улар. Ўзим ҳам мол боқаман, уларнинг гапидан кейин ўйлаб қолдим, кейин ҳисоб-китоб қилдим. Ҳақиқатдан ҳам машаққат чекиб, мол боққанга, ҳеч фойда қолмаслиги рост экан. Ўзимиз гувоҳи бўлганмиз, авваллари ҳам қассоблар чорвадордан молларни сўйиб олардилар. 200-250 килограмм тош босган молдан 4-5 килограмм "скидка" олишарди, холос. Қалла-поча, териси ва ички органларига назарини анча солмас эди. Ҳозирги қассобларчи? Қалла-поча, териси, ички органлар, думгазани ҳам олишади. Ҳатто 4-5 килограмм "скидка" сўровчилари ҳам бор. Нега бундай, деб сўрасангиз, ўзи шундай, ака, ҳамма жойда шу, дейди.

Хуллас, 1-2 кунда қассоб 250-300 килограммлик молдан камидан бир миллион сўм соф фойда

Қамолиддин АСҚАРОВ, "Нуқуқ"

дан жарақ-жарақ даромад қилади-ю, пулини вақтида бергиси келмайди. Минг истиҳола билан 2 ҳафта эмас, бир ойдан кейин кўнғирок қилиб, молнинг пулини сўрасангиз, эртага ёки индинга олиб бораман, дейди. Аммо бунанга эрта-индинларнинг нечтаси ўтиб кетади ҳамки, пулингиздан дарак бўлмайди. Ноинсоф қассоб чорвадорнинг маблагини ҳисобига ашаб юраверади. Шундай қассоблардан бир неча йил аввалги молларимизнинг пулини ҳам ололмайман. Шунинг учун ҳам одамлар мол боқиб, семиртиришдан безиб бораёпти. Шу сабабли мол боқувчилар, айниқса, гўшт учун сўйилаётган этли моллар камайиб кетди, — деб ўксинди Ш.Усмонов.

Ахир бу адолатсизлик, ноҳақлик, қолаверса, талончилик эмасми? Инсоф, диёнат, ишонч деган тушунчалар қаёққа кетди? Қурьони қаримда Аллоҳ таоло шундай оғохландирган: "Эй имон келтирганлар, молларингизни ўртада ноҳақ (йўллар) билан емангиз!" (Нисо сураси, 29-оят). Уламоларимиз ҳам ҳалол савдо қилишга, инсофли бўлишга, бошқаларнинг ҳақиға хинанат қилмасликка чақиради. Расулulloҳ (с.а.в.) ҳам ўзларининг муборак ҳадисларида: "Ким алдов йўли билан бошқанин ҳақиқи олса, Аллоҳ таоло уни жаҳаннамга жўнатади", деганлар.

Хуллас, мол боққанлар учун шундай муносабат давом этанверса, келажакда семиз молларнинг гўшtlга эмас, балки йилловдан тўғри қўшхонога келтирилган, семизлиги ҳаминқадар молларнинг гўшtlга кунимизи қолади.

Давлатимиз одамлар ҳавас билан мол боқсин, қўпайтирсин, гўшт арзон бўлсин, деб ҳаракат қилаяпти, аммо юқорида келтирилган муаммолар бундай ҳаракатларга яхшигина ғов бўлмоқда. Айни вақтда республикамизда мавжуд йирик шохли қорамолларнинг 94 фоизи, майда шохли моллар — қўй ва эчкиларнинг эса 84,8 фоизи шахсий ҳўжалиқлар қарамогида эканини ҳисобга оладиган бўлсак, ҳукумат томонидан ушбу муаммоларга ечим топилиши лозим. Яъни аҳоли қўлида боқилаётган чорва молларини гўшт учун сотиб олишда давлатимиз томонидан тегишли талаблар қўйилган. Эндилкида эса уллар рўпара келаятган мазкур муаммоларни бартараф қиладиган тегишли ҳўжатлар қабул қилиниши керак, деб ўйлайми.

Бу билан қассобларнинг топиётган даромадига соя ташлаш ниятдан йироқмиз. Фақат ҳаммаси инсоф ва адолат чегарасида бўлишини истардик.

Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан 2019 йил 1 июндан бошлаб табиий газ учун тарифлар, сўюлтирилган газ ҳамда электр энергияси учун нарҳларнинг оширилиши бекор қилинди.



БИР ҚОЛИДАГИ ЮЗАКИ ЖАВОБЛАР

Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуни ва соҳага оид қонун-олима ҳужжатлари ижроси назорат тартибиде таҳлил қилинганда, жорий йилнинг ўтган даврида шаҳардаги идоралар, ташкилот ва корхоналар маъмуриятларига келиб тушган мурожаатларни кўриб чиқиш ва ҳал этишда бир қатор қонун бузилиши ҳолатларига йўл қўйилгани маълум бўлди.

Мисолларга мурожаат қиладиган бўлсак, фуқаро Б.Кенжаева Фаргона вилоят рус драма театри ходимларининг ҳаракатларидан норози бўлиб йўллаган, вилоят Маданият бошқармасида рўйхатга олинб, ўрганиш учун бошқарма мутахассиси Х.Зокировага топширилган мурожаат 4 ой

мобайнида кўриб чиқилмаган ва белгиланган тартибда жавоб хати юборилмаган.

Шунингдек, фуқаро Х.Бойқўзиёвнинг 14 январь кунги меҳнат фаолиятини давом эттириш, фуқаро И.Пўлатовнинг 19 февраль кунги шаҳар Истироҳат боғи ҳудудида бино қуришга рухсат бериш ҳақидаги мурожаатларига ҳам ўрганиш кунига қадар белгиланган тартибда жавоб берилмаган. Сансалорлик, масъулиятсизлик натижасида фуқароларнинг ҳуқуқлари бузилган.

Шаҳар қурилиш бошқармасига келиб тушган мурожаатларни кўриб чиқиш учун белгиланган муддатда тааллуқли идораларга юбориш ва назорат олишига оид қонун талабларига амал қилинмаган. Жумладан, фуқаро, Х.Давидбоевнинг ер майдони ажратиш ва шаҳар ҳокими қарорига ўзгартириш киритиш ҳақидаги мурожаати орадан 9 кун ўтиб шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастр бўлимига юборилган. Фуқаро Г.Султоновнинг мурожаатини кўриб чиқишда ҳам оқоридагидай қонун бузилишига йўл қўйилган.

Шаҳар ҳокимлиги мансабдор шахслари келиб тушган мурожаатларни белгиланган

муддатда тааллуқли идораларга юборишга оид қонун талабига амал қилинмаган. Фуқаролар С.Маҳкамова, А.Шукуров, А.Раджабовнинг мурожаатларини орадан 12, 20 ва 24 кун ўтиб тегишлилиги бўйича шаҳар "Маҳалла" жамоат фондига юборилган. Шаҳар ҳокимлигининг ўзида ҳам мурожаатлар қонунда белгиланган муддатларда кўриб чиқилмаган. Хусусан, фуқаро А.Саркисяннинг мурожаати "мендан

юзаки жавоблар йўлланган. Хусусан, фуқаро С.Тошматованинг кўпқаватли турар жой биносиде яшаб турган хонадонни ўз номига имтиёзли тарзда хусусийлаштиришни сўраб шаҳар ҳокими номига йўлланган, қонуний ҳал қилиш учун ҳужжалик ҳисобидеги уй-жой бўлими бошлиғи А.Икромовга топширилган мурожаатига орадан 41 кун ўтиб жавоб берилган. Боз устига унда келтирилган ваялар шаҳар ҳоким-

Музаффар РАҲМОНОВ,
Фаргона шаҳар прокурори

ги ҳақидаги қонун талабига амал қилинмаган.

Шаҳар бандликка кўмаклашиш марказида ҳам қонун талаблари бузилган. Фуқаролар Ф.Тожибоев, Д.Мирзаалиевларнинг мурожаатлари рўйхатга олинмаган, ўрганиш муддатларига амал қилинмаган, муаллифларга жавоб хатлари юборилмаган. Фуқаролар Г.Каримова, Д.Нўмонова, М.Қосимовга жавоб хатлари эса марказ раҳбари эмас, балки аниқлашнинг имкони бўлмаган мутахассислар томонидан имзоланган.

Мурожаатлар билан ишлаш хизмат бурчиға муносабатнинг кўзгуси. Зеро, оқоридаги каби қонун бузилиши ҳолатлари, сансалорликлар ҳақи ноқонунлик ва эътирозларни келтириб чиқаради. Мурожаатларни кўриб чиқиш ва ҳал этишда йўл қўйилган қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш олдини олиш, мансабдор шахсларнинг масъулиятини қучайтиришга қаратилган 7 та тақдимнома киритилди. 2 нафар шахс маъмурий, 18 нафар шахс интизомий жавобгарликка тортилди.

Аксарият мурожаатларга бир қоланда юзаки жавоблар йўлланган.

кетгунча, эгасига етгунча" қабилде кўрилганидан ташқари натижаси ҳақида 51 кунда жавоб берилган.

Шунингдек, фуқаролар А.Дадажонов, И.Маматхонов, З.Камалов, И.Мамаджанов, А.Абдуясоупов, "Ferghana invicta pharm" МЧЖ раҳбари Х.Тожибоев, "Водий замин ризк" МЧЖ раҳбари М.Мирзаалиевнинг мурожаатлари ҳужжақўрсинга кўрилиб, жавоб хатлари ҳам юборилмаган.

Жисмоний ва юридик шахслардан олинган мурожаатларнинг аксариятига бир қоланда

лиги ҳузуридаги Уй-жой масалалари бўйича доимий комиссия томонидан кўриб чиқилиши ҳақида тушунтириш бериш билан чекланилган.

Фуқаро Г.Раджабоевнинг ер майдони ва компенсация ажратиш ҳақида шаҳар ҳокими йўллаган мурожаати 12 кун мобайнида ҳаракатсиз туриб қолган. Сўнгра, қонуний ҳал этиш учун шаҳар молия бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи Ш.Иноятовга топширилган. Жавоб хати шаҳар ҳокими ёки ўринбосарлари томонидан имзоланиши керакли-

JARAYON

ҲИСОБДА "АДАШГАН" ҲИСОБЧИ

2014 йилдан Денов туманидаги мактаблардан бирида рисоладагидек ҳисобчи бўлиб ишлаган Санжар Бобоев (исм-фамилиялар ўзгартирилган) меҳнат фаолиятининг учинчи йилига келиб, айниди-қолди.

Шаҳбоз НОРМАТОВ,

Денов туман прокуратураси
терговчиси лавозимиде иш ўрганувчи

ҳисобчининг ўзи олиб, чўнтагига урди.

Текширишда маълум бўлишича, С.Бобоев шу йўл билан мактабда фаррош бўлиб ишлаб, 2015 йил февраль ойида меҳнат шартномаси бекор қилинган фуқаро Ш.Мусаева номига очилган пластик картага 23 миллион 77 минг сўм, 2015 йил сентябрда ишдан бўшаган собиқ фаррош М.Каримованинг номидаги пластик картага 6 миллион 777 минг сўм, шунингдек, 2017 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида мактабнинг собиқ муҳандиси — 2014 йилда ишдан бўшаган фуқаро Р.Шаҳбозованинг номига очилган пластик картага 4 миллион 401 минг сўм маблағ ўтказилади. Айтмоқчи, С.Бобоев ўзини ҳам унутмаган экан. Аниқланишича, у 2016 йил давомиде ўзининг ойлик иш ҳақиға 7 миллион 132 минг, 2017 йилда эса 18 миллион 779 минг сўм ортқича маблағларни қўшиб ёзиб, жами 60 миллион 166 минг сўм бюджет маблағини ўзлаштиради.

Жиноят ишлари бўйича Денов туман суди Санжар Бобоевнинг етказилган зарарни тўлиқ қоплаганини инобатга олиб, унга ойлик маошининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил 6 ой ахлоқ тўзатиш ишлари жазоси тайинлади.

ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТ БАНК ХОДИМИ УЧУНМИ?

Дастур маблағларини ўзлаштирган банкир "Микрокредитбанк" Балиқчи туман филиали пластик картачар билан ишлаш шўъбаси мудири вазифасида ишлаб келган Муродил Охунов (исм-фамилиялар ўзгартирилган)га банк маблағларини ўзлаштиришида фуқароларга кредит маблағларининг имтиёзли шартларда ажратиладигани кўл келди.

М.Охунов Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ҳар бир оила — тадбиркор" дастурини амалга ошириш тўғрисида"ги Қарори қабул қилинганидан сўнг ўзига бириктирилган ҳудудда фуқаролар ўртасида ушбу ҳужжатнинг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилиб, аҳолининг турмуш шароитларини яхшилашга ҳисса қўшиши лозим эди. Бироқ у кўпнинг гамини ейдиганлар тоифасидан эмас экан. Аксинча, дастур доирасида ажратилган кредитларни ўзлаштириш ҳаракатиға тушди. Муродил шу мақсадда ўзига таниш бўлган таъминотчи корхона билан тил бириктиради.

Ишға киришган банкир "уйдаги гап кўчага чиқмаслиги" учун кредитларни яқин қариндошларининг номиға олади. Яъни у онасининг номиға 23 миллион 700 минг сўм, олмаси К.Орипова номиға 24 миллион 500

GILMISH - QIDIRMISH



Обтабек АЗИМОВ,
Департаментнинг Андижон вилоят
бошқармаси инспектори

минг сўм ва холаси Д.Жамолова номиға 24 миллион 750 минг сўм кредит маблағлари ажратилишиға эришиб, жами 72 миллион 950 минг сўм маблағни гўёки тикув дастоҳларга сотиб олиш учун келишилган корхона ҳисоб рақамиға ўтказилади. Пул кўчириш "операцияси"ни сохта ҳужжатлар билан расмийлаштиради ва 62 миллион 737 минг сўмни нақдлаштириб олиб, имтиёзли кредит маблағларини ўзлаштириш йўли билан талон-тороҳ қилади.

Қариндошлар номиға ажратилган кредитлар нақдлаштириб олинди.

Шу билан чўнтаги қаппайган банк ходимининг "уйдаги гапи" ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларига маълум бўлиб қолди. Дастур доирасида фуқароларға ажратилган кредит маблағларининг мақсадли сарфланиши ҳолати юзасидан ўрганишларда банк ходимининг имтиёзли кредит маблағларини ўзлаштиришға қаратилган жиноий хатти-ҳаракатлари фош этилди.



ИЖРО ИШИДА ЯНГИЧА ТАРТИБ ШАФФОФ ВА ТОМОНЛАР УЧУН ҚУЛАЙ

Харакатлар стратегиясини амалга ошириш бўйича "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларни ижро этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 12 март куни "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди. Энг аввало, ушбу қарор ижро жараёнидаги чалкашликларга барҳам бериш, уни соддалаш-

Рустамжон КУВАНОВ,
Бош прокуратура бошқарма катта прокурори

1 март санасига қадар Мажбурий ижро бюросининг бошқа бўлимларида ҳам мазкур амалиётни жорий этиш бўйича асосланган таклифлар киритиш вазифаси юклатилди. Бу эса, ижро ишлари тенг ва мутаносиб тарзда тақсимланишини, сифатли бажарилиши ва энг муҳими, бу жараёнга инсон омилининг таъсири бўлмаслигини таъминлайди.

Қарорга биноан, 2019 йил 1 октябрдан Мажбурий ижро бюросининг расмий веб-сайтида ижро ҳаракатларини автоматик мониторинг қилиш бўйича ҳақ олмасдан интерактив давлат хизматлари кўрсатиш тизимини татбиқ қилиш ҳам ижро жараёнининг иштирокчиларига, умуман, аҳолига яратилаётган яна бир қулайлик саналади. Қарорда Мажбурий ижро бюроси зиммасига ижро иши якунларига кўра мусодара қилинган мулк, буюмларни сотувга қўйишнинг аниқ тартибини ишлаб чиқиш, бунда "E-IRO AUCTION" савдо майдончаси, интернет дўконлари, мобил иловалар электрон тизимлари орқали онлайн тўловларни амалга ошириш имкониятларидан самарали фойдаланишни ҳисобга олиш вазифаси юклатилган.

Ва ниҳоят, қарорнинг муҳим хизматларидан яна бири: турли жарималарни тўлашга чегирмалар татбиқ этилишидир. Шу ўринда айтиш кераки, бу борадаги халқаро тажриба ўрганиб чиқилганда, МДҲда, масалан, Россия, Қозғистон, Белорусь ёки узок хориз, жумладан, Швеция, Бельгия, Испания, Франция каби мамлакатлар қончилигида ана шундай амалиёт мавжудлиги маълум бўлди. Шундан келиб чиқиб, қарорда бир қатор манфаатдор идоралар зиммасига ҳуқуқбузарликлар, масалан, йўл ҳаракати қондасини бузган ҳайдовчи бу ҳақдаги тегишли ҳужжатларни олгандан сўнг 15 кун давомида жаримани 70 фоиз ихтиёрий равишда

Энди "кўрмай қолдим" баҳонаси ўтмайди.

тўлаган тақдирда, қолган суммани тўлашдан озод қилинишига оид тартибни 3 ой давомида ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиш вазифаси юклатилди.

Хуллас, бир қараганда анча мураккаб, лекин асосий мазмун-моҳияти ижро иши жараёнининг барча иштирокчиларига, суд, ички ишлар, солиқ ва бошқа органлар фаолиятининг сифатли, самарали бўлиши ва албатта, оддий одамлар мазкур жараёнлар билан боғлиқ ортқча ташвишлар, югур-югурларни камайтиришга қаратилган ушбу қарор билан жорий этилаётган янгилик ва ўзгаришлар талайгина. Қарорда тегишли идоралар зиммасига ана шу ўзгаришларни қонунчилик доирасида мустаҳкамлаб, бу нормаларнинг қўшимча ҳужжатларсиз тўғридан-тўғри амал қилишини таъминлаш вазифаси ҳам қатъий белгилаб қўйилди.

Бола ҳуқуқлари — давлат ҳимоясида

Бола вояга етгунча ҳам жисмоний, ҳам ақлий жиҳатдан ожиз бўлганлиги сабабли тарбияга, ғамхўрликка ва албатта ҳимояга муҳтож. Шунинг учун бола ва унинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш ҳар бир давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Бизнинг мамлакатимизда ҳам бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг миллий қадриятлар ва демократик принципларга асосланган ҳуқуқий механизми яратилган.

Бектош САЙПОВ,
Жиззах вилоят прокуратурининг биринчи ўринбосари

Президентимиз томонидан жорий йилнинг 22 апрелда имзоланган "Бола ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарор эса, айтиш мумкин, бу соҳадаги вазифаларнинг янги босқинини бошлаб берди. Қарорда жаҳон цивилизациясининг бугунги кундаги талабларидан келиб чиққан ҳолда вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг, келажагимиз учун муносиб авлодни тарбиялашнинг муҳим вазифалари назарда тутилган. Миллатимиз тарихида илк бор Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг ўринбосари — Бола ҳуқуқлари бўйича вакил — Омбудсман лавозими жорий этилди.

Чин етимлар учун қўшимча равишда қабул квоталари ажратилади.

Эндиликда Бола ҳуқуқлари бўйича вакил бола ҳуқуқлари оид қонунларнинг ижросини назорат қилиш, вояга етмаганларнинг муносабатлари билан ишлаш, уларнинг муаммоларини ўрганиш ва халқ қилиш, болалар ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштириш масалалари билан шугулланади. Глобал тараққиёт инсоният олдида қўйган долзарб вазифалар доирасида фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари, жамоат ташкилотлари билан биргаликда ёш авлоднинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишнинг муҳим вазифаларини белгилайди ва шу асосда фаолият юритади.

Қарордаги яна бир муҳим жиҳат, болаларнинг давлат органларига бевосита муносабатлари тўлиқ кўриб чиқилишининг кафолатланишидир. Маълумотларга қараганда, бутун дунёда болалар омбудсманлари кичик ёшдаги болалардан ҳар соатда иккита муносабат қабул қилар экан. Эндиликда мамлакатимизда ҳам болаларнинг ҳар қандай муносабатлари унинг тўлиқ муомала лаёқатига эга эмаслиги ва жаблари билан кўрмасдан қолдирилишига йўл қўйилмайди.

Ун тўрт ёшга тўлмаган бола ота-она-



сиз яшаётган ҳолатда, ҳар иккала томондан ҳам ўзининг ҳаётий эҳтиёжларини қондириш учун қонун билан белгиланган миқдорда алимент ундиришга доир даъво аризасини бериши мумкин. Агар ота-оналар ўртасида нафақа тўлаш бўйича келишув бўлмаганда ёки алимент ихтиёрий равишда тўланмаганда, ота-оналар томонидан судга алимент ундириш тўғрисида муносабат қилинмаган ҳолларда ҳам боланинг бу ҳуқуқлари сақланиб қолади. Болаларни ҳимоя қилиш мақсадида судларга ариза билан муносабат қилган даъвогар давлат божига бошқа тўловларни тўлашдан озод қилинмоқда.

Қарор билан 2019 йил 1 сентябрдан бошлаб мамлакатимизда эркаклар ва қизлар учун никоҳ ёши бирдай — ўн саккиз ёш этиб белгиланди. Гарчи рақамлардаги фарқ ҳанчалик катта бўлмаса-да, бу соғлом авлодни дунёга келтириши, оналар саломатлигини ҳимоя қилиш, комил инсонни тарбиялаш соҳасида фоят муҳим аҳамият касб этади.

Яна бир эътиборга молик жиҳати, Қарор билан Меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга ғамхўрлик янада кучайтирилди, уларнинг комил инсон сифатида шаклланиши, зарур касб эгалари бўлишлари учун кенг имконият ҳамда имтиёз яратилди. Жумладан, 2019-2020 ўқув йилларидан бошлаб олий таълим муассасаларига абитуриентларни қабул қилишнинг умумий сонидан Меҳрибонлик уйи ва Болалар шахарчасининг битирувчилари бўлган чин етимлар учун қўшимча равишда бир фоизгача давлат гранти асосидаги қабул квоталарини ажратиш тартиби жорий этилди. Айни пайтда ёрдамга муҳтож болаларнинг рўйхатда тузиш жойи ва фуқаролигидан қатъий назар, уларга барча турдаги ижтимоий хизматлар кўрсатиш мажбурийлиги назарда тутилди.

Шунингдек, ушбу Қарор қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг бир қатор қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш, янги қонунлар ишлаб чиқиш тақлиф этилмоқда. Хусусан, 2019 йилнинг 1 сентябрга қадар етим болалар ва ота-она қарамоғисиз қолган болаларнинг ижтимоий-ҳуқуқий мақоми ҳамда бундай болаларни тарбиялаш, фарзандликка олувчи оилаларни тайёрлаш ва уларга қўмлаштириш тартибини, уларнинг мулкий ва номулкий ҳуқуқларини кафолатлайдиган "Етим болалар ва ота-оналар қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Бундан ташқари, уч ой муддатда "Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида"ги Қонунга болага нисбатан ишлатилгандаги таъзия ва зўравонликлар турлари ҳамда унинг олдини олишга оид чораларни, судга ва суд жараёнида жиноят процесси иштирокчиси бўлган болаларни ҳимоя қилишга қаратилган қўшимча кафолатларни назарда тутувчи ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида"ги Қонунга ҳам ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларни ҳуқуқбузарлик содир этганлиги учун профилактик ҳисобга олиш ўрнига, уларнинг жамиятга мослашувини таъминловчи механизмларни назарда тутувчи ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси вояга етмаган шахсни ёлланма сифатида жалб этиш, ўқитиш, молиялаштириш ёки унга бошқа моддий таъминот бериш, ундан ҳарбий тўқнашув ёки ҳарбий ҳаракатларда фойдаланиш жинояти учун жавобгарлигини оғирлаштирувчи нормалар билан тўлдирилди.

«НУҚУҚ» ГАЗЕТАСИНING 2019 ЙИЛ 16 МАЙ
СОНИДАГИ «ТАРБИЯ ТАЪЛИМДАН УСТУН»
САРЛАВҲАЛИ МАҚОЛАНИ ЎҚИБ ЖУДА ТАЪСИРЛАНДИМ.
МАҚОЛАДА ТАЪКИДЛАНГАНИДЕК, ҲАҚИҚАТДАН ҲАМ
ТАРБИЯ ТАЪЛИМДАН УСТУН ТУРАДИ.

ОТА-ОНА ИБРАТИ

Ота-она фарзанд учун биринчи муаллим ва ибрат мактабидир. Болаларда намоён бўладиган айрим камчилик, нуқсон ва салбий ҳолатларнинг илдизи оилага бориб тақалади. Мактабда боланинг фанни яхши ўзлаштирмаётгани ва тенгқурларидан ортда қолаётганига ота-оналарнинг фарзандига эътиборсизлиги сабабдир. Айбни мактаб ўқитувчисидан излашдан олдин ота-оналар фарзандим учун етарли шароит яратдимми, уни ўз вақтида назорат қилаётганимми, деб ўзларига савол бериб кўришлари керак.

Болани чеклаш эмас, балки унга дўст бўлиш лозим. Уй бекалари кўпинча сериаллар билан банд бўлиб, болалари бирор савол билан мурожаат қилганда: "жим ўтир", "безовта қилма", "кейин гаплашамиз", "уй вази-фангни бажар" қабилидаги жавоблар билан фарзанднинг шижоати, иштиқини сўндиради. Агар бола отасидан ҳам шу каби жавоб олса, ҳафсаласи пир бўлади. Шунда у мобиль телефон ва интернетни эрмак қилади, онгу тафаккурини бузадиган ўйинлар билан овунади.

Камдан-кам ёшлар ақл билан иш кўради, қолганлари юрак амрига бўйсунди.

Рухшуносларнинг таъкидлашича, 10-22 ёшлар оралигида ўсмир ёшларнинг жисмоний ва психик тараққиёти тезлашади. Турли воқеа-ҳодисаларга қизиқиши, анигликка интилиши ортади, характери шаклланиб, маънавияти бойиб боради. Улар таъсирида ўсмирнинг феъл-атвори, атрофдаги кишилар билан муомаласи, жамиятда содир бўлаётган воқеаларга муносабати тез ўзгаради.

Бу вақтда камдан-кам ёшларгина ақл билан иш кўради, қолганлари юрак амрига бўйсунди. Ур деса урадиган, сўк деса сўкадиган ёш бу. Ана шу жараёнда биз катталар фарзандларимиз-

Мохигул РАҲИМОВА,
Қарши шаҳридаги 28-ўрта умумтаълим
мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси

оналар мажлисига отам борарди. Онаси ўша ерда ишлайди-ку, демасди. Энди тушуниб етсам, ота-оналар йиғилишида отанинг қатнашиши фарзанд тарбиясида алоҳида ўрин тутар экан. Чунки оналар ўқитувчидан фарзанди ҳақида салбийроқ гап эшитса ҳам кўнгилчанлик қилиб, бу ҳақда отасига билдирмас экан. Боз устига ўзи ҳам фарзандини отасичалик қаттиқ назорат қилмайди.

Қадимда халқимиз отани эъзозлаш, унга ҳурмат кўрсатиш, хаттоки у ўтирган томнинг устига чиқмасликини ўқтириб келишган. Бугунги кунда айрим оилаларда отанинг ўрни йўқолиб бораётгандек гўё. Юқорида таъкидлаганимиздек, бола тарбиясида, айниқса, ўғил бола тарбиясида отанинг ўрни бўлакча. Ўғил болалар юриш-туришда, ўзини тутишда отасидан, қолаверса, хурматга лойиқ эркак ўқитувчилардан ўртак олади.

Болани ёшлигидан уйнинг гапини кўчага, кўчанинг гапини уйга ташимасликка ўргатиш керак. Бу ёмон одат эканлигини билсин. Фарзандингиз ўқитувчиси ҳақида ёмон гап айтса ҳам масаланинг моҳиятига етмасдан ловуллаб ёниб кетманг. Аксинча, гап ташигани учун болангизга танбеҳ беринг ва шундан кейингина ўқитувчисига учрашинг. У ноҳақ бўлган тақдирда ҳам бу ҳақда фарзандингизга билдирманг!

Мақолада таъкидланганидек, болани ёшлигидан китобга ошно қилиб тарбиялаш керак. Юқорида тўхталиб ўтганимиздек, бу соҳада ҳам ота-она ибрат бўлмоғи даркор. Болангизга китоб ўқи десангиз-у, ўзингиз китобни очиб ҳам қарамасангиз, ташвиқот-тарғиботингизнинг фойдаси йўқ. Бирон-бир муносабат билан фарзандингизга яхши китоблар совға қилинг, китоб дўконларига олиб бориңг. Театрга олиб бориш, табиат кўйнига сайрга олиб чиқиш болани маънан рағбатлан-



"Болаларинг сенга қандай муносабатда бўлишини истасанг, ота-онангга ҳам шундай муносабатда бўл". "Отадан ёш қолган — ақлдан бўш қолган". Донишмандларнинг асрлар оша ўз исботини топиб, янада қадри ошиб келаётган бу каби ҳикматлари бисёр.

Ҳа, нафақат бизда, балки ер юзининг ҳамма жойида, ҳар бир халқда ота-онанинг розилигини олиш фарзанднинг асл бурчи саналади.

Ҳаётимиз давомида турли синовларга дуч келамиз. Уларни енгиб ўтишда ортимизда тоғдек суянчимиз — ота-онамиз далда бўлади. Бахтли кунимизда чиндан суюнсая, бахтсизлигимизда эса ҳамга чўмадиганлар ана шу зотлардир.

Бекзод Салимов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ҳали мактаб ўқувчиси. Лекин ота-онаси бўлса-да, тўқис оилавий ҳаётни кўрмади ҳисоб. Унга кўпроқ шу алам қиларди. Дўстларининг оилавий ҳаётига ҳавас қиларди. Отаси Зокир Салимов 2001 йилдан бери Россияга бориб ишлаб келади. Бир неча йилдан бери онаси ҳам Туркия давлатига ишлашга кетадиган бўлди. Бекзод оилада катта ўғил. Опаси шаҳарда. Бекзод билан укаси амакисининг қарамоғида қолади.

Куз ойлари эди. Зокир Россиядан қайтди.

— Уйингда хотининг ҳам йўқ. Ош-овқатдан қийналасан. Эрталаб нонуштага бизникига келавер, — деди Шокир укасига.

Уша куни Зокир спиртли ичимлик ичиб маст бўлиб қолди. Кечкурун ўғлидан:

— Телефонингни бериб тур, — дея ўғлининг телефонини олиб анча пайт гаплашди.

Бекзод дадасининг сўзларини аниқ эшитмас-да, аёл киши билан гаплашаётганини англаб турарди. Шу топда ўтган йили дадаси билан аясининг кўп марта тортишувларига сабаб бўлган аёл эсига тушди. "Дадам ҳали ҳам онамга хиёнат қилаётган экан", деган хаёлга борди. Айни дам отаси кўзига разил кимса бўлиб кўриниб кетди. Ҳазини тутолмай отасига юзланди:

— Ким билан гаплашдингиз?

Ичкилик таъсиридаги отага ўғлининг саволи ёқмади. Жаҳл отига минди.

— Сен мени сўроқ қиляпсанми? Мени тергашга нима ҳақинг бор, — деди бақириб. Ўғлини ҳақоратлади, юзига шапалоқ тортиб юборди. Ховуридан тушиш учун ташқарига чиқиб кетган ота кўп ўтмай яна уйга кирди. Ўғил эса дадасига ўчакишдан тоймади.

— Аёл киши билан гаплашганингизни яхши биламан. Ким эди у аёл? — деди яна отасини сўроққа тутиб.

Ўғилнинг саволига жавобан ота

Сирожиiddин УСМАНОВ,
Самарқанд вилоят прокурорининг
ўринбосари

қўлига эрк бермади. Сўкина-сўкина жойига кириб ётди.

Эрталаб жанжал яна давом этди. Бошни гаранг қилаётган ичкилик таъсири каби тунда ўғлининг уни сўроққа тутгани миясини говлатган, чамаси, Зокир эрта тонгдан захрини сочди.

— Сени тилинг чиқиб қолибдими? Кеча менга нима қилиқ кўрсатдинг, сен бола!.. Тур йўқол. Уйга қайтиб келма, қайтиб қорангни кўрмай бу ерда!..

Бекзоднинг дадасидан эшитган охириги гапи шу бўлди. У уйдан чиқиб кетди. Кечаси синфдошиникига бориб ётди.

Кейинги кунлари отасининг кўзига кўринмаслик учун тонг саҳар уйдан чиқиб, ярим кечаси келадиган бўлди. Бу орада ўғилнинг юрагида падарига нисбатан нафрат ва адоват олови алангалаб боради ва куни келиб ақлини ҳам куйдирди.

Уша машум кун. Кечга яқин уйига келган Бекзод дадаси маст ҳолда ухлаб ётганига гувоҳ бўлди. У молларига емиш бериш учун оғилхонага кирди. Бу ерда катта-кичик иккита болтага кўзи тушди. Шу топда миясида яшиндек чакнаган фикр: "Ундан кутулиш учун бундан қулай фурсат бўлмади" деган садо билан янгради.

Катта болтини олиб отаси ётган хонага кирди. Падади бузруқворининг теласига келиб, кўзларини чирт юмганча болтанинг тўтмоқ қисми билан дадасининг бошидан икки марта урди...

Қаттиқ уйқудаги отадан садо чиқмади. З.Салимов жойида жон таслим қилган эди...

Ўз отасининг қотилига айланган Бекзод қилмишини яширишга киришди. Болтани ҳожатхонага ташлади. Ўзида шубҳа уйғотмаслик учун бир парча қоғозга "Навбат йўқолган ўғилнинг" деб ёзди. Қоғозни мурданнинг устига қўйди. Йигитча аввалдан буни ўйлаб юрганми, шубҳа туғилмаслиги учун ёзувни кирилл алифбосида ёзди. Сўнг уйдан чиқиб, шаҳарга кетди...

Ҳар куни нонуштага келадиган Зокирдан дарак бўлавермагач, Шокир ўғлини укасининг уйига юборди. Бир мuddатдан кейин дахшатли хабарни эшитди...

Тун бўйи шаҳарда тентираб юрган Бекзод эртаси куни амакисиникига борди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари Бекзодни сўроққа тутишганда у барча қилмишларини сўзлаб берди.

Суд ҳукми билан Б.Салимов 8 йил мuddатга озодликдан маҳрум қилинди.

Бу муҳиш жиноятга йўл очган асосий сабаб болага ўз вақтида берилмаган меҳр, эътибор, фарзанд тарбияси учун қизғинларган вақт, қисқа қилиб айтганда, бола тарбияси билан шуғулланмасликдир. Энди қилинган ҳар қанча надомат ҳам отани ҳаётга қайтара олмайди, ўғилнинг қисматидан эса "падарқуш" деган тамгани ўчириб юбора олмайди.



га яқин бўлиб, улар билан сирлашишимиз, характеридоғи ўзгаришлардан огоҳ бўлиб, маслаҳат беришимиз, тўғри йўлга йўналтира билишимиз лозим.

Кўпчилигимиз ишдан, турмуш ташвишларидан ортиб фарзандимизнинг қалбига қулак солмаймиз, уларни қийнаётган муаммолар билан қизиқмаймиз. Лекин бола ўсмир ёшида моддий эҳтиёжлардан ташқари катталарнинг далдасига, маслаҳатига, меҳрига муҳтож бўлади.

Мен ўқийдиган мактабда онам ўқитувчи бўлиб ишларди. Лекин ота-

тириш саналади. Агар боланинг қизиқиши инобатга олинмася, рағбатлан-тирилмася, у аниқ мақсадлар сари интилишдан тўхтабди.

Ота-она фарзандига ва ўқитувчи ўқувчиларига бера оладиган энг яхши туҳфа бу гузал одоб-ахлоқдир. Шундай экан, ота-оналар ва биз ўқитувчиларнинг шарафли вазирамиз муштни бир жойга қўйиб, фарзандларимиз ва шогирдларимизга ибрат кўрсатиб, уларни келгусида оила-у Ватан шаънини ҳимоя қила оладиган, элига, юртига манфаати тегадиган инсонлар қилиб тарбиялашдан иборатдир.

Анчадан бери автомат узатгичли "Lasetti" русумли автомашина олмоқчи бўлиб, таниш-билишларидан сўраб-суриштириб юрган Даврон (исм-фамилиялар ўзгартирилган) акасининг дўсти Фурқатни учратиб қолди.

Даврон унинг Сергелидаги машина бозорида автомобиль олди-сотдиси билан шуғулланишини яхши билгани учун хурсанд бўлиб кетди. Саломалиқдан сўнг ундан автомат узатгичли "Lasetti"га "ишқ"и тушгани, ammo айни пайтда бу автомашина автосалонларда йўқлигини айтиб, маслаҳат сўради. Фурқат кўп ўйлаб ўтирмай, Давронга бери танишининг телефон рақамини берди. У ўз навбатида бошқаси билан таништирди. Хуллас, уларнинг тавсияси билан Даврон укаси ва келинояиси ҳамроҳлигида Мировод туманида жойлашган офисга кириб келди.

Уларга пeshовз чиққан лигит "Исмиим Азим, шу фирма раҳбариман" дея ўзини таништириб, Даврон ҳам илтимосини айтиди.

— Омаднингиз бор экан, шунақа машина бор.

— Ростданми? — хурсандчилигини яширолмади Даврон. — Нархи қанча экан?

— 16 минг...

— Яхши-куя! Биласизми, очиги пулим машинага етмайди. Менда айни пайтда 10 минг доллар бор. Агар рози бўлсангиз, шу пулни бериб, қолганини уч ойда тўғрилаб берардим. Ушанда бирийла мени номимга расмийлаштириб берардингиз...

Азим бу шартга рози бўлгач, уларга машинани кўрсатди. Машина Давронга ёқди ва у шу ернинг ўзига Азимга 10 минг АҚШ долларини санаб берди. Шундан кейин гарчи Азим фирманинг тавсиясисини ҳам, директори ҳам ўзи эканлигини айтиб, автомашина ҳужжатлари борасида ҳеч қандай муаммо бўлмастлигини айтган бўлса-да, Даврон ишончли бўлиши учун ундан тилхат ёзиб беришни илтимос қилди. Кўп ўтмай, Азим Даврон Хуррамовга

Лизингга машина олиб, чув тушди



"Lasetti" русумли автомашина сотганлиги, бошланғич тўлов сифатида 10 минг АҚШ доллари олганлиги, қолган 6 минг АҚШ долларини тўлагандан кейин автомашинани Д.Хуррамовнинг номига расмийлаштириб бериши тўғрисида тилхат ёзди-да, имзо қўйиб, фирма мухрини ҳам босди. Шунингдек, Даврон билан келинояисининг номига автомашинани бошқариш ҳуқуқини берувчи ишоннома ҳам ёзиб берди. Расмийлаштирилган тугагач, Азимга миннатдорчилик билдириб, автомашинани олиб кетишди.

Автомашинани олишда ҳам, ундан кейин ҳам бирорта ҳужжат расмийлаштирилмаган.

Сентябрь ойи бошларида эса Давроннинг акасига "Қодир" исмли одам телефон қилиб, ўзини Азим Холдоронинг бошлиги деб таништирди ва автомашинани "мониторинг"дан ўтказиш кераклигини айтиб қолди. Акаси бу ҳақда зудлик билан Давронни хабардор қилди. "Мониторинг" ҳақидаги янгиликдан хайрон бўлган Даврон вақт ўтказмай Азимга телефон қилди ва пуллари тайёрлаб қўйганини айтиб, автомашинани ўзининг номига расмий-

лаштириб беришни сўраган эди, "озгина кутиб туринг" деган жавобни олди. Кейинчалик ҳам яна бир неча марта телефон қилди. Аввалига ҳужжатларни тайёрлаётганини айтган Азим, кейинчалик телефон қўнғироқларига умуман жавоб қайтармай қўйди.

Шундан кейингина кўнгли нохушликни сезган Даврон ИИБга ариза билан мурожаат қилишга мажбур бўлди. Буни қарангки, айнан ариза топширган кундан олдинроқ акасига телефон қилиб, машинани "мониторинг"га олиб келишни тайинлаган Қодир исмли одам билан учрашиб қолди. У Давронга автомашина унинг фирмасига тегишли эканлиги, шу сабабли яхшиликча қайтариб бериши кераклигини айтганида, Давроннинг боши қотиб қолди. Қодирга машинани Азимдан сотиб олганини айтиб, ўзининг ҳақлигини исбот қилмоқчи бўлди. Бироқ автомашинани олиш жараёнида ҳам, ундан кейин ҳам бирорта ҳужжат расмийлаштирилмаганлиги, шартнома ҳам тузилмаганлиги, қўлида эса ишоннома билан тилхатдан бошқа ҳужжат йўқлиги боис, бирор натижага эриша олмади ва ниҳоят фирибгарнинг тузоғига тушганини англади. Аммо энди қеч эди...

1984 йилда тўғилган Азим Довуров толганга қаноат қилмади. У 2015 йилда ҳам таъсисчи, ҳам раҳбар сифатида "Avtokredit Biznes" МЧЖни ташкил қилган эди. Қонуний ишлаган пайтларида

Севара САИДЖОНОВА,
Яккасарой туман прокурорининг
катта ёрдамчиси

толгани ўзига етиб турганди. Бирок, Азим нафсига қул бўлди-ю, мўмай даромад орттиришни кўзлай бошлади.

А.Довуров мана шу мақсади йўлида "Avtokredit Biznes" МЧЖни Яккасарой тумани Давлат хизматлари марказидан "Avalon Finance" номи билан қайта рўйхатдан ўтказди. Шундан сўнг у бир неча лизинг фаолияти билан шуғулланувчи МЧЖлар билан шартнома тузди. Кейин улардан шу асосда "GM-Uzbekistan"да ишлаб чиқарилган турли русумдаги 53 автомашина олади. Шу вақтда Азим раҳбарлик қилаётган жамиятнинг лизинг объекти ҳисобланган автомашиналарни сотиш, учинчи шахсларга ўтказиш ва тасаруфидан чиқариш билан боғлиқ бўлган ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқи бўлса-да, 20 та автомашинадан 2 тасини комиссия шартномалар, 4 тасини сотиб олиш ҳуқуқи билан ижарага бериш ҳақидаги шартномалар асосида, қолганларини эса ҳеч қандай шартномаларсиз, нақд пулга сотиб юборди. Бу пуллardan маълум бир қисмини сублизинг ва лизинг асосида автомашина берган МЧЖларнинг ҳисоб рақамларига тўлов қилади, қолганини эса ўзлаштиради.

Орадан ойлар ўтади. Шартнома шартлари тўлиқ бажарилмаганлиги сабабли аксарият МЧЖлар шартномаларни бекор қилиб, А.Холдоронинг МЧЖсига лизинг асосида берган автомашиналарни қайтариб олади. Натижада юқорида исми келтирилган Д.Хуррамов каби яна 22 нафар фуқаро ҳам пулидан, ҳам машинасидадан айрилади. А.Холдорон уларга 2 миллиард 713 миллион 370 минг сўмдан ошмироқ моддий зарар етказди.

Суд томонидан нафс балосига гирифтор бўлиб, юртдошларини чув турширган фирибгарга қилмишига яраша жазо тайинланди.

JARAYON

ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШ

жиддий ва муҳим масала

Аббос ЖОҲМАТОВ,
Бош прокуратура Академияси
тингловчиси

масъул этиб белгиланади. Жиноятчиликка қарши курашда, биринчи навбатда, ижобий натижага эришган профилактика инспекторлари ва маҳалла фалоларини рағбатлантиришни кучайтириш зарур. Вазифасини сидқидилдан бажарган ходимларга янги тузилган Махсус жамғарма ҳисобидан устама ҳақ тўланади ва уларнинг меҳнатлари қўшимча рағбатлантирилади.

Биз қанчалик қийин бўлмасин, чекка-чекка ҳудудларда ҳам "Жиноят ҳақиқати ва адолати" тамойилини албатта жорий этишимиз керак. Яъни, жиноят сўзсиз фoш этилиши ва айбдор жазоланиши шарт. Бу масалага фақат ҳуқуқ-тартибот органларининг вазифаси, деб қарамасдан, бутун жамиятимиз бирлашиб, қаттиқ кураш олиб бориши зарур".

Бундан ташқари, 2018 йил 24 декабрда Президентимиз томонидан "Жамоат ҳавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарор қабул қилинди. Унга кўра, 2019 йил 1 январдан Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида жамоат ҳавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат органлари, ташкилот-

Тиббиётда касалликка қарши курашгандан кўра, унинг олдини олиш асосий вазифа этиб белгиланганидек, жиноят учун жазо бергандан кўра, унинг олдини олишнинг маъқуллиги ҳам умумэтироф этилган. Шунга кўра, ҳуқуқбузарликлар ва жиноятлар профилактикаси уларга қарши курашиш соҳасидаги энг муҳим, самарали ва инсонпарвар йўналиш ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга навбатдаги Мурожаатномасида халқимиз тинчлиги ва ҳавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш ишларини янги босқичга кўтариш масалаларига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилган. Жумладан, унда шундай сатрлар бор: "...Одамлар тинч яшashi учун бутун мамлакатимизда жиноятдан холи муҳит яратишимиз шарт. Биз Ички ишлар вазирлиги тизимида ваколат ва функцияларни қуйи бўйича тушириб, уни чинакам халқчил тизимга айлантиришимиз зарур. Бу борада илмий ёндашув ва илгор ахборот-коммуникация технологияларини жадал жорий этамиз.

Ҳар бир жиноят ёки ҳуқуқбузарликнинг барвақт олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича ҳар қайси ҳудуд ўз тажрибасини яратиши керак. Бу борадаги ишлар самарасини ошириш учун Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия қўмондонидан ва Бош прокуратура республика ҳудудларига шахсан

лар ва жамоатчилик тузилмаларининг фаолияти ташкил этилиши ва мувофиқлаштирилиши таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондонидан, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси республикамиз вилоятлари бириктирилган бўлиб, Бош прокуратурага жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Навоий ва Хоразм вилоятлари, Шунингдек, Тошкент шаҳрининг Чилонзор тумани бириктирилган.

Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш мақсадида Бош прокуратур томонидан фармойиш қабул қилиниб, ишчи гуруҳ тузилган. Шунингдек, Бош прокуратурнинг фармойишига асосан Хоразм вилоят ҳудудидида жамоат ҳавфсизлигини таъминлаш мақсадида вилоят штаби ташкил этилган. Вилоятнинг барча туман-шаҳарларида ишчи гуруҳлари ташкил этилиб, уларнинг фаолияти доимий назоратга олинган.

2019 йилнинг 1-чорагида

Хоразм вилоятида умумий жиноятчилик 247 тани ташкил қилиб, 114 тага қамайдан. Жамоат жойларида содир этилган жиноятлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 6,3 тага камайган. Шунингдек, қидирувда бўлган 37 нафар шахс ўшланган. Вилоят ҳудудидидаги 12 750 та хонадон ўрганилиб, аниқланган 1 199 та муаммодан 1 60 таси жойида ҳал этилган. 388 нафар ногирон ва нафақадаги шахслар реабилитация техника воситалари билан таъминланиб, 411 нафар ногирон ва 666 нафар кекса даволаниш учун сихаттоҳларга бепул юборилган.

Бундан ташқари, 188 нафар якка-ёлғизлар ва ёлғиз яшовчиларга 33 нафар ижтимоий хизмат кўрсатувчи ходимлар бириктирилиб, улар 92,6 миллион сўмлик 15 турдаги озиқ-овқат махсулотлари ва гигиена воситалари билан таъминланган. 300 нафар ижтимоий ёрдамга муҳтож фуқаро эса 11 турдаги бепул дори-дармонлар билан таъминланган.

Ижтимоий ёрдамга муҳтож фуқаролар 11 турдаги бепул дори-дармон билан таъминланган.

Меҳнат, меҳнатни муҳофаза қилиш ва аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси юзасидан 73 нафар мансабдор шахсга нисбатан маъмурий жарималар қўлланилган. Муқаддам жиноят содир қилиб жазо муддатини ўтаб қайтган 68 нафар шахслардан 42 нафарнинг бандлиги таъминланган.

Бундан ташқари, ёшлар ва вояга етмаганлар орасида жиноят содир этилишининг олди-

ни олиш юзасидан жорий йилнинг 1-чорагида туман ва шаҳар марказларида жами 32 та учрашув ташкил этилиб, 769 нафар ёшлар билан суҳбатлар ўтказилган. Шулардан 67 нафар ёш йигит-қиз доимий иш билан таъминланган. Вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига мурожаат қилган ёшлардан 116 нафари ишга жойлаштирилган, шунингдек, назоратсиз қолган ва кўчада махсус сиз юрган 52 нафар вояга етмаган ёшлар билан психологик суҳбатлар ўтказилиб, 22 нафар профилактик ҳисобда турган вояга етмаганларни ички ишлар профилактик ҳисобидан чиқариш бўйича тавсияномалар берилган.

Шу билан бирга, ёшлар ва вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларнинг олдини олиш бўйича жами 106 мартаба "Тунги рейдлар" ташкил этилган. Ўтказилган рейдлар давомида аниқланган ёшлар ва вояга етмаганлар тўғрисидаги ҳужжатлар жамланиб, ишбу ҳолатлар юзасидан уларнинг ота-оналари билан

суҳбатлар ўтказилган. Шунингдек, вилоятда "Психолог қабул кунлари" лойиҳаси амалга оширилиб, тарбиясида салғаб томонга ўзгариш ҳолатлари кузатилаган 1800 дан ортқ ёшлар билан индивидуал суҳбатлар ташкил қилинган.

Таъкидлаш лозим, мамлакатимизда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича олиб борилаётган тизимли ислохотлар юрт тинчлиги ва оқсоишталлигини таъминлашга хизмат қилади.

Ёш авлоднинг ҳуқуқий билимини ошириш, болаларда кичик ёшдаёқ қонунга ҳурмат руҳини тарбиялаш мақсадида «Vola huquqlari» сайти иш бошлади.

Дилрабо КУРЯЗОВА

Департаментнинг Хоразм вилоят бошқармаси катта инспектори

Департаментнинг Хоразм вилоят бошқармаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 майдаги "Бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини тубдан ошириш ва иқтисодий жиноятларга қарши курашиш механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Янгиарик туманидаги умумтаълим мактабларининг бирида амалга оширилган қурилиш-монтаж ишлари назорат ўлчовидан ўтказилди.

Маълум бўлишича, умумтаълим мактабида қурилиш-монтаж ишларини бажариш юзасидан Янгиарик туманидаги хусусий корхона ва буюртмачи инжиниринг компанияси ўртасида 2018 йил 27 июнда шартнома тузилиб, унга мувофиқ, объекта бажариладиган қурилиш-монтаж ишлари учун 1 миллиард 467 миллион 189 минг сўм ажратилиши режалаштирилган. Буюртмачи ва пудратчи ўртасида кўшимча битим тузилиб, объекта бажариладиган қурилиш-монтаж ишлари учун ажратиладиган пўл маблағининг микдори 1 миллиард 631 миллион 189 минг сўм қилиб ўзгартирилган.

Хусусий корхона томонидан мактабда 2018 йил декабрь ҳолатига жами 1 миллиард 631 миллион 189 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилгани тўғрисида ҳисоб фактуралар тақдим қилинган.

Шунга қўра, Департамент ходимлари томонидан объектада бажарилган қурилиш-монтаж ишлари назорат ўлчовидан ўтказилганда ҳақиқатда бажарилмаган ишлар ҳақидаги сохта маълумотлар киритиш орқали 23 миллион 968 минг 527 сўмлик маблағ талон-торож қилингани аниқланди.

Маъзур ҳолат юзасидан хусусий корхона ва буюртмачи инжиниринг компанияси мансабдор шахсларига нисбатан ҳуқуқий чоралар қўрилди.



КўКатлар орасидаги «КўКатФуруш»
Бекобод шаҳар деҳқон бозорига гоҳ у раста олдида бориб, гоҳ бу раста олдида келиб савдо қилаётганлар билан гаплашиб юрган бу йигитни одамлар яхши билишади. Исталган пайтда бозорга келиб, ишора қилсангиз, бу доллар-фуруш хизматингизда. Тўғри, бу ер валюта айирбошлаш шохобчаси эмас, оддий деҳқон бозорларидан бири. Аммо бу ерда ҳам ноқонуний пўл алмаштирувчилар кунда-кунора топилиб туради. Уларнинг ҳолатини чиқарган Акбар Зокиров (исм-фамилиялар ўзгартирилган) эса мўмай даромад-ли бўлиб қоларди. Акбар кимгадир "кўки"дан, бошқасига сўм керак бўлса, ими-жимидида ҳал қилиб беришини ҳадисини олганди. Агар миҳоз каттароқ микдордаги маблағни алмаштиришни истаса, олди-бердини автотурагоҳдаги машинасида амалга оширар эди.

Фаррух ЭРГАШЕВ,
Департаментнинг Бекобод шаҳар бўлими бошлиғи

Ушга қўра, Акбар кўкатлар сотиладиган расталар орасида сотувчилар билан гаплашиб турган эди. Унинг олдида келиб ўзини Сурайё деб таништираган аёл 3000 АҚШ долларини зарур бўлиб қолганини айтди.

— Ҳозир ёнимда бунча пўл

— Ҳозир ёнимда бунча пўл


— Ҳозир ёнимда бунча пўл

— Ҳозир ёнимда бунча пўл

— Ҳозир ёнимда бунча пўл

— Ҳозир ёнимда бунча пўл

— Ҳозир ёнимда бунча пўл



FAOLIYATIDAN

«ВАЗИРЛИКНИНГ МУСОДАРА БЎЛИМИ ХОДИМИ»

КИМЛАРНИНГ МАБЛАҒИНИ «МУСОДАРА» ҚИЛДИ

Жиноят ишлари бўйича Яшнобод туман судининг очик суд мажлисида Ражаб Матназаровнинг (исм-фамилиялар ўзгартирилган) жиноят иши кўриб чиқилди. Аввал ҳам икки маротаба жиноят содир қилиб, амнистия туфайли жазодан қутулиб қолган бу шахс яна олдинги ҳуқуқини давом эттиради. Пойтахтда қиракашлиқ қилиб, содда одамларни осонгина "тузоғига" илтиразида ҳамда алдаш ва ишонччи суиистеъмол қилиш йўли билан фуқароларни чув туширади.

Ражаб ўзини машинасига ўтирган йўловчиларга Ички ишлар вазирлигининг масъул ходими, яъни вазирликнинг мусодара бўлими бошлиғи ўринбосари сифатида таништиради.

Утан йилнинг август ойларида Р.Матназаров фуқаро Илғор Асиллов билан танишиб қолади. Ражаб ўзaro сўхбатларда ҳар доимгидек ўзини бўлим бошлиғи ўринбосари, деб таништириб, "ҳожатбарор" қиёфасига кирди. У Илғорга айбланувчиларнинг етказган зарарларини қоплаш учун давлат фойдасига мусодара қилинган автомобилларидан бирини арзон нархда олиб беришини айтиди. Гапла-



ри ишончли бўлиши учун у кимларгадир кўнғироқ қилиб, гўёки ўзини ички ишлар ходимлари билан гаплашаётгандек тутайди. Бошқа телефон рақамлардаги ижтимоий тармоқлар орқали ўзининг телефонида республикамаида ишлаб чиқариладиган, эгаси томонидан реклама сайтлари орқали соддага кўйилган автомобилларнинг расмларини жўнатиб, уларни ҳамкасблари юборганини билдиради ва И.Асилловга кўрсатиб, бирини танлаб олишини айтиди.

Илғор расмлар ичидан "Кобальт" русумли автомашинани танлайди. Шундан сўнг Р.Матназаров дастлабки тўловни амалга ошириш кераклигини рўқач қилиб, ундан 17 миллион 210 минг сўм пўл олади ва ўз эҳтиёжларига ишлатиб юборди. Аввалига Илғорнинг кўнғироқларига турли баҳоналар билан жавоб беради, кейинчалик эса телефон рақамини алмаштириб, у билан алоқани узайди.

Орадан бироз вақт ўтган, Ражаб Сергели туманида фуқаро Дилором Элтоева билан танишиб қолади. Аёлнинг телефон рақамини олган Ражаб аввалига унга меҳрибонлик қилиб, кичик муаммоларини ҳал этиб, ишончига кириб ола-

Бахтиёр КАСИМОВ,
Департаментнинг Бектемир туман бўлими бошлиғи ўринбосари

ди. Унинг уй сотиб олишини билиб олгач, яна аввалги найранглари ишга солади. Ўзини ИВВнинг мусодара масалалари билан шуғулланувчи ходими, деб таништириб, Д.Элтоевага давлат фойдасига мусодара қилинган уйлardan бирини олиб беришга ваъда беради. Унинг гапларига ишонган Дилором пешона тери билан йиғиб қўйган 4000 АҚШ долларини унга бериб юборди. Бир содда одамнинг маблағларини қўлга киритган Ражаб пуллари ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборди.

Орадан бир неча ойлар ўтса-да, ишлари ҳал бўлмаганидан сўнг, бу фуқаролар алданганликларини тушуниб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга муурожаат қилишади. Фуқароларнинг аризалари бўйича олиб борилган суриштирув-қидирув ишлари натижасида сохта ходим қўлга олинди.

Р.Матназаровнинг қилмишларини атрофича кўриб чиққан суд унга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлаб, ҳукм чиқарди.

«ULTRA COMPACT TEX»НИНГ

«ФОКУС»ЛАРИ

Инсон ақлу тафаккури кўп нарсага қодир. Фақат бир эътирозли жиҳати борки, аксарият кишилар ақлини ишга солганда шахсий манфаатидан бошқа нарсани ўйламайди.

Шерзод ШАВҚИДДИНОВ,

Департаментнинг Шофиркон туман бўлими бошлиғи

Санжар Болтаев (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ҳам ёш бўлишига қарамай, билими, ақли боз устига "тажрибали" йигит. 2018 йил 11 апрелдан бошлаб Ромитан ва Шофиркон туманларида фаолият юритган "Ultra compact Tex" МЧЖда таъсисчи ва раҳбар бўлиб ишлади. У фаолияти давомида тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини қўпол равишда бузаётганида қонунда жавобгарлик белгиланганлиги ҳақида ўйлаб ҳам кўрмади.

Санжар Болтаев товарлар фақат тузилган шартномалар асосида ва ўзаро ҳисоб-китобларнинг нақд пулсиз сотилиши мумкинлиги ва уларни нақд пулга сотишга йўл қўйилмаслигини, товарларни сотишдан тушган нақд пул маблағлари ўз вақтида инкасса қилиниши лозимлигини жуда яхши биларди. Лекин буни англагани ҳолда сотишдан тушган нақд пулларины банкка топширмади.

У 2018 йил апрель-сентябрь ойда ҳамият ҳисоб рақамидан пул кўчириш йўли билан олинган товарларни нақд пулга сотди. Савдодан тушган 2 миллиард 752 миллион 672 минг сўмлик нақд пуллари эса банкка топширмадан бошқа мақсадларда ишлатиб юборди. 1 миллиард 861 миллион 102 минг сўмлик қирим ҳужжатлари мавжуд бўлмаган қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини эса Қозоғистон Республикасининг "Қайрат" хорижий корхонасига экспорт орқали сотишга улгурди. Шунингдек, қирим ҳўжатлари бўлмаган уй-рўзгор буюмларини фуқароларга сотиб, савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиб, ими-жимидида юраверди.

Санжар Болтаев пул айланмасини яшириш мақсадида бухгалтерия ҳўжатларини йўқотиш, бажарилган иш ҳажмларини камайтириб кўрсатиш каби "фокус"ларни бажаришда "профессионал" даражага кўтарилиб бораверди.

Транспорт хизмати кўрсатиш ҳисобидан келиб тушган 1 миллиард 217 миллион 196 минг сўмлик маблағларни ҳисоб рақамига қирим қилиш мақсадида ТИФ "Миллий банки" Ромитан туман филиали ходимларини ҳам осонгина чув туширди. Наманган вилояти Чуст туманида фаолият олиб бораётган "Lion Car Trans" МЧЖнинг лицензия варақасини сохташтираб, қалбаки лицензия орқали транспорт хизмати кўрсатиш фаолияти билан шуғулланди.

Уддабурон банк
ходимларини осонгина чув туширди.

Сирдарё, Қашқадарё вилоятларидаги корхоналар билан ҳамкорлик қилиб фаол иш олиб борган бўлса-да, давлатга тўловини лозим бўлган солиқ ва бошқа тўловларда нуқул чап беришни афзал кўрди. Шу тариқа Санжар Болтаев давлатга 146 миллион сўмдан зиёд зарар етказди. Қўнғирликни узоқ вақт яшириб бўлмайди. Кирдикорлари фoш бўлган қонунбузар суд олдига жавоб берди. У Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли моддалари билан айбдор деб топилди.

Санжар Болтаевга ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадида ушлаб қолиш шартин билан 2 йил 6 ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди. Етказилган зарарнинг қопланмай қолган қисми ундирилди.

«ТЕЗКОР ХОДИМ» НИҚОБИ ОСТИДА

Фирибгарликни касб қилган Жасур Омонов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) судда ниқоблари йиртилгач ҳам ўзига қўйилган айб-ларга иқроз бўлмасдан туриб олди. Бироқ гувоҳларнинг кўрсатувлари ва бошқа далиллар унинг жинояти тафсилотларига яққол ойдинлик киритди...



Баходир ШЕРАЛИЕВ,
Қашқадарё вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

Феруза Шукурова пойтахтдан уй харид қилиш мақсадида уй бозорини айланиб юрарди. Жағи-жағига тегмай, уй савдосини қиздираётган макерлару даллолларнинг гапларидан боши гувиллаб турганди, ён томонидан келган овоз унинг диққатини бўлди.

— Нима қилиб юрибсиз, опахон?
Феруза ўгирилиб, ёнида ёши элликлардан ўтган кишини кўрди. Нотаниш киши шундоққина бурнининг тагига хизмат гувоҳномасини тикиштириб, ўзини таништирди.

— Хавотирланманг, мен Ички ишлар вазирлиги тезкор ходими Жасур Омонов бўламан. Нималар қилиб юрибсиз?
— Шу... уй олмакчи эдим, — чайналди Феруза.

— Унда сизга ёрдам беришим мумкин, — деди «ҳожатбарор» меҳрибонлик билан. — Кўча тўла «мошенник» макерлар, яна алданиб қолманг, дейман-да. Кўринишингиздан яхши аёлга ўхшайсиз. Келинг, ўзим нарх-наво билан таништираман...

Ўша кун «ҳожатбарор» «тезкор ходим» у билан узоқ суҳбатлашиб, нарх-наво билан таништирди.

Орадан бир неча кун ўтиб, Жасур Феруза Шукурованинг Қарши шаҳридаги хонадони ёнида пайдо бўлди. Эшиги ёнида пойтахтда танишган «ҳожатбарор»ни кўрган Ферузанинг ҳайрати ошди.

— Қаршига «командировка»га келувдим, — деди Жасур. — «Осуда» меҳмонхонасига жойлашганман...

Бир пиёла чойдан кейин гурунг асносида меҳмон секингина мақсадга кўчди.

— Йигирма минг «кўк»ига Тошкентдан икки хонали уй олиб беришим мумкин...

Феруза бу таклифга қизиқиб қолди. Орадан бир неча кун ўтиб, «тезкор вакил» яна Қаршига «командировка»га келди. Яна Ферузача учрашиб, уни аврашга тушди.

— Зўр «дом» топдим, Мирзо Улугбек туманидан, икки хонали. Нархи ўша

айтганимдай — йигирмата... Қариндошимники. Менга сотиб бер, деяпти. Қанча пулингиз тайёр?
— Ўн бир минг, — деди иши олдинга силжётганидан қувонган Феруза.

— Олиб чиқинг, қолганини уйни номингизга расмийлаштирганимиздан кейин бераверасиз...

Феруза ишонии-ишонмаслигини билмай тараддулланиб қолди.

— Нима, сиз менга ишонмаяпсизми? — Жасур ўзини кўнгли озорланган қилиб кўрсатишга устаси фаранг эди. — Мен орган ходимиман. Шунча-

Феруза «тезкор ходим»нинг нега Қаршига тез-тез «командировка»га келаётганини кеч англади.

Ҳаёт аслида улуг неъмат. Гарчи инсон ўз онги, тафаккури билан буюк бўлса-да, афсуски, ана шу неъматнинг қадрини доим ҳам англаб етатвермайди. Ёинки нафси олдида ожизлик қилиб, осуда кунларини азобга айлантиради. «Гиеҳвандлик — аср вабоси», деймиз. Биргина шу иборада ҳам инсониятнинг заиф томонларини яққол кўриш мумкинки, ўтиб бораётган юз йиллар бу «вабо»ни йўқ қилиб юборишга эриша олмаётир.



ҚАРЗ ХИСОБИГА ОҒУ

Мўминжон ЖАЛИЛОВ,
Наманган вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи вазифасини бажарувчи

Ўтган аср бошларида, аниқроғи, 1909 йилда Шанхай қорадори комиссияси мажлисида давлатлар ўртасида гиеҳвандлик моддаларини ўтказишни чеклаш тўғрисидаги ҳужжатлар қабул қилинди. Орадан икки йил ўтиб, опийум бўйича Гаага халқаро анжуманида тарихда биринчи марта гиеҳвандлик тўғрисидаги конвенция ишлаб чиқилди. Ушандан буён гиеҳвандликка қарши кураш кучайса кучайдики, сусаймади. Бугунги кунга келиб эса муаммо ҳақон даражасига чиқди. Бироқ, бу офат инсоният бошига оғир қуфлатларни ёғдиришда давом этмоқда. Кўра-била туриб ҳаёт учун қасд бўлган бангивор ўсим-

ликларни етиштирувчилар, уни сотиш билан шуғулланувчиларга нисбатан табиий равишда нафрат бosh кўтарарди.

Янгикўрғонлик Саид Маҳмудов ва Икром Қамбаров (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ҳам ана шу қалтис йўл «шайдолари»дан. Бўлмаса, иккиси ҳам муқаддам шу «оғу» туфайли судланган, жиний жавобгарликка тортилган. «Букрини гўр тўғрилар» ибораси шу тоифа кишиларига нисбатан ишлатилади, чоғи, улар бундан тегшили хулоса чиқара олмадилар. Аксинча, яна «оғу» кетидан қолмадилар.

Саид Маҳмудов ўз даласида кўзлардан пана тарзда гиеҳ етиштиришни одат қилганди.

Ўзи ҳам аллақачон гиеҳвандлик дардига мубтало бўлганди. У бунинг ноқонуний эканини жуда яхши биларди. Аммо... Гиеҳ баргларики қуритиб, уни яширишга улгурган Саид ҳамқишлоғи Икромнинг ўн беш йилдан буён наша чекиб юришини яхши билгани учун уни излаб борди. У Икромдан 2 миллион 500 минг сўм қарздор бўлиб, бир неча марта сўраб келганидан ҳам пул топиб беролмаётганди.

— Икром ака, майли десангиз, пулингизнинг ўрнига «анавиндан» бераман, — деди Саид атрофга олазарак қараб олганча. Бу таклиф Икромга ҳам маъқул келди. Боиси, шу тобда унинг «дарди хурж

қилиб» турганди. — Шерикларингизга сотсангиз ҳам яхшигина фойда оласиз...
— Сотиб нима қиламан?! Ўзимга керак...
Хуллас, ўша кун Саид 402,66 грамм «марихуана» олиб келиб берди. Икром эса унинг қарзидан кечди — оралари очик бўлди.

Хуқуқ-тартибот органи ходимлари томонидан ўтказил-

ди. Олиб борадиган жойи қалтис. Бу савдо билан шуғулланувчилар ўз ҳаётлари хатарда эканини ҳис этиб турсалар-да, азоб-уқубатни унга алишадилар. Масаланинг яна бир томони борки, бу нарқобизнесчилар учун ғоят қўл келади. Яъни оғуға илакишган одам худди ўргимчак уясига илиниб қолган ҳашаротга ўхшайди.

Оғуни тотиш ҳам, сотиш ҳам ўз ҳаётига қасд қилиш билан баробар.

ган тадбирда унинг уйдан яшириб қўйилган «марихуана» топилди ва холислар иштирокида ашёвий далил сифатида олинди.

Аввал тергов, кейин суд... Уларнинг ҳар иккиси ҳам турли муддатларга озодликдан маҳрум этилди. Шунингдек, жазони ижро этиш муассасаларида мажбурий тартибда гиеҳвандликдан даволандиган бўлдилар.

Нафақат ўз ҳаёти, бошқалар умрини ҳам таҳликага қўйиб, турли жиноятлар содир этилиши, ногирон болаларнинг дунёга келиши, бемаҳал ўлим-га сабабчи бўлишини била туриб шу йўлни танлаган бундай кимсаларни кечирish мумкинми?

Шу ўринда бир нарсани таҳлил этишга тўғри келади. Тан оламизми, йўқми, нарқотик моддалар савдоси кенгаймоқда. Хўш, нега? Унинг аҳамияти шу қадар баландми ёки келтирадиган нафи катта-ми? Аксинча, барчамизга аён бўлганидек, бу захри қотил умр илдиэларига зиён етказ-

Хоҳ уринсин, хоҳ уринмасин, ундан чиқиб кетиши амри маҳол. Тўр эса ўз номи билан тўр-да! Борган сари ўралиб, домига тортаверарди ва охириқибат, фожиага олиб келади. Англаганингиздек, ана шу «илинганлар» оғрикдан азобланаётган жони талабини бажармасликка ўзида куч топа олмай қолади. Қарабсизки, бир марталик «ором»ни миллионга сотиб олишга тайёр ҳолга келади. Аммо унда миллионни қўйинг, бундайроғи ҳам топилмаса-чи?! Мана, жиноятлар илдизи қаерда! Мана, оғриксиз, осуда жонингизнинг бир лаҳзаси қанчага баҳоланяпти! Мулоҳаза қилиб қуринг, ахир шунсиз ҳаётингиз тинч, меҳнатингиз баракали бўлиб, кунингиз беҳавотир ўтиши зағки эмасми?!
Хуллас, бу оғуни тотган ҳам, сотган ҳам ўз ҳаётига қасд қилган шахсдир. Ачинарлиси эса, мана шу қасд домига, яқинларини ҳам тортиб кетишди. Ўзгалар ҳаётига хавф солувчи кишиларни эса қонун асло кечирмайди.

«Бухоро» халқаро аэропорти МДХ аэропортлари орасида еттинчи бор энг яхши деб топилди.



FAOLIYATIDAN

Кейинги йилларда мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, инвестицияларни жалб қилиш ва бизнесни юритиш учун кулай муҳит яратиш, тадбиркорларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлаш соҳасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Жамият фойдасига 922 минг доллар

МИБ томонидан ҳам тадбиркор-ишбилармонларнинг ҳақдорликларини ундириш, уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Ташкент туманлараро иқтисодий судининг қарорига асосан, қарздор "Enter Engineering Pte.Ltd." ком-

Бош прокуратура ҳузурида Мажбурий ижро бюросининг ташкил этилишига тўлов интизоми мустаҳкамланишига, тўлов маданиятининг ошишига ҳамда энергия ва сув ресурсларидан ўзбошимчалик билан фойдаланишга чек қўйилишига хизмат қилмоқда.

"Тилла тош"нинг зиёни

Фуркат БОЗОРОВ,
МИБ Хатирчи туман бўлими бошлиғи

Жумладан, Бюронинг Хатирчи туман бўлими истремолчилар томонидан энергия ва сув ресурслари тармоқларига ноқонуний улашиш, талон-торож ҳолатларини аниқлаш, бартараф этиш ва олдини олиш борасида олиб борган тезкор тадбирлар натижасида 179 та қонун бузилиши ҳолатлари аниқланди.

Улар бўйича таъминотчи корхоналар манфаатларига етказилган 136 миллион 997 минг сўм

Таъминотчи корхоналар фойдасига қарийб 137 млн. сўм ундирилди.

ундирилди. Хусусан, бўлим ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирда туманининг "Тинчлик" маҳалласида яшовчи фуқаро Ҳ.Эшбоев яшаш хонадонни қўшимча ҳўжалик биносидан яширин равишда электр симларни умумий фойдаланишдаги электр энергияси тармоғига ноқонуний улаб, тилла тош тегирмон ташкил қилгани аниқланди. Натижада туман электр тармоқлари корхонаси манфаатларига 21 миллион 40 минг 500 сўм зарар етказган. Ундан тегирмон ускунаси ва маҳсулотлар ашёвий далели сифатида олинди.

Фуқаро Ҳ.Эшбоев текшириш давомида аниқланган зарарни тўлиқ тўлаб берди.

Тадбиркор манфаати — ҳимояда

паниясидан ундирувчи "AV Engineering" МЧЖ фойдасига (Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг сўмга нисбатан қўямати ундирилган кун бўйича) 922 минг 136,5 АҚШ доллари миқдорига асосий қарз, 68 миллион сўмдан ошқроқ давлат божи ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжати мавжуд бўлиб, компанияга қарздорликни сўндириш учун ихтиёрий муддатда берилади.

Бироқ қарздор корхона ижро ҳужжати талабларини бажармагани сабабли, Бюронинг Юнусобод туман бўлими томонидан қарздорга нисбатан қарздор ҳисобидан 155 миллион сўм ижро йиғими ун-

Қарздорлик ихтиёрий муддатда қопланмагач, корхона ҳисоб рақамига банд солинди.

дириш тўғрисида қарор қабул қилинган.

Шунингдек, жорий йилнинг февраль ойида қарздор корхонанинг ҳисоб рақамига инкассо топшириқномаси ва банд солиш тўғрисида қарорлар қабул қилиниб, ижро этиш учун қарздорга хизмат кўрсатувчи банкка юборилган.

Мажбурий ижро ҳаракатлари давомида қарздор компания ҳисобидан ундирувчи тадбиркор фойдасига 922 136,5 АҚШ доллари, 69 миллион 333

Аскар ОДИЛОВ,
МИБ Юнусобод туман бўлими бошлиғи ўринбосари

сўм давлат божи ва 155 миллион 122 минг 724 сўм миқдорига ижро йиғими тўлиқ ундирилди.

Тадбиркордан қарздор банк

Бюронинг Юнусобод туман бўлими томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2019 йил 27 мартдаги ижро варақасига асосан, қарздор ТИФ "Миллий банк" ҳисобидан ундирувчи "Vodiy pahtasi" МЧЖ фойдасига 541 359,34

АҚШ доллари миқдорига асосий қарз, 15 607,39 АҚШ доллари миқдорига фоиз ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжати жорий йилнинг 18 апрель кuni келиб тушган.

Бюронинг туман бўлими томонидан олиб борилган ижро ҳаракатлари жараёнида қарздор ТИФ "Миллий банк" ҳисобидан жамият фойдасига жами 22 миллион 782 минг 999 сўм ва 556 966,73 АҚШ доллари миқдорига қарздорлик тўлиқ ундирилди.

Жиноий жазо тури алмаштирилди

Алишер ШОЙИМКУЛОВ,
МИБ Олтинсой туман бўлими давлат ижрочиси

Жорий йилнинг 24 январь кuni жиноят ишлари бўйича Денов туман судининг очик суд мажлисида Абдухамид Ниёзов ҳамда Насиба Ашировага нисбатан жиноят иши қўриб чиқилиб, улар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 131-моддасида назарда тутилган, яъни қўшмачилик қилиш ёки фоҳишахона сақлаш жиноятини содир этганлиқда айбдор деб топилган. А.Ниёзовга нисбатан ҳар ойлик иш ҳақидан 20 фоиз миқдорини давлат даромади ҳисобига ундириш йўли билан 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган. Н.Ашировага эса энг кам ойлик иш ҳақининг 35 баробари миқдорига, яъни 7 миллион 95 минг 550 сўм жарима жазоси тайинланган.

Суд қарори ижросини таъминлаш учун Мажбурий ижро бюросининг Олтинсой туман бўлимига юборилди.

Бюронинг туман бўлими томонидан ижро ҳаракатларига киришилди. Н.Аширова белгиланган қарздорликни бартараф этмагани ва ундирувга қаратилиши мумкин бўлган мол-мулки мавжуд эмаслиги сабабли жорий йилнинг 6 май кuni жиноят ишлари бўйича Олтинсой туман судига давлат ижрочиси томонидан Жиноят кодексининг 44-моддасига асосан ушбу жазони бошқа жазо турига алмаштириш тўғрисида тақдимнома билан чиқилди.

Шу куннинг ўзида туманининг "Мўминкул" маҳалласида жойлашган умумтаълим мактабидан ўтказилган сайёр судда мазкур тақдимнома қаноатлантирилди. Яъни Насиба Ашировага белгиланган жазо чораси 2 нафар вояга етмаган фарзанди борлигини, ёлғиз она эканини инобатга олиб, 2 ой 1 кун муддатга озодликни чеклаш жазосига алмаштирилди. Шунингдек, унинг кеч соат 21:00дан эрталаб соат 07:00га қадар яшаш жойидан чиқиши чекланди.

Ўз ота-онасини моддий таъминлашдан бўйин товлаётган фарзандлар ҳақида бот-бот эшитиб қоламиз. Бу гапларга гоҳо ишонсак, гоҳида ишонмаймиз. Лекин, афсуски, орамизда бундай қимсалар талайгина экан. Ана шундай фуқаролардан бири зафарободлик Наврўз Раҳматовдир.

Онасига алимент тўламагани сабабли...

Обир УЛУҒМУРОВО,
МИБ Зафаробод туман бўлими бошлиғи

Фуқаролик ишлари бўйича Жиззах туманлараро судининг ижро варақасига кўра, фуқаро Наврўз Раҳматов онаси Бувижон Раҳматова фойдасига ҳар ой энг кам ойлик иш ҳақининг бир ярим баравари миқдорига моддий таъминот тўлаши лозим эди. Лекин у қарзини ўз вақтида тўламади ва жами қарздорлик 4 миллион 815 минг сўмга етди. Мазкур ҳолатда Н.Раҳматов Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 47-моддасида кўрсатилган маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган. Шунга кўра, Мажбурий ижро бюроси Зафаробод туман бўлими давлат ижрочиси томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома расмийлаштирилиб, тўпланган ҳужжатлар маъмурий ишлар бўйича Зафаробод туман судига юборилди.

Суд қарорига асосан Н.Раҳматовга нисбатан 15 сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинланди ва суд залидан қамоққа олинди. Шундан кейингина фуқаро Н.Раҳматов қилишидан тўғри хулоса чиқариб, онасининг моддий таъминоти пулларини тўлаб берди.

Қидирувдаги ота

Раҳматилла АЗИМОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги МИБ бўлим катта инспектори

Оила қуриб, қонуний ниқоҳдан ўтиш мақсадида ариза билан муурожаат этувчиларнинг ҳар бирига албатта, оила муқаддаслиги, унинг мустаҳкамлигини таъминлаш, айниқса, тугилажақ фарзандлар келажаги учун курашиш лозимлиги ҳақида тушунтириш бериб келинади.

Афсуски, турли сабабларга кўра, оила қурган ёшларнинг ҳаммаси ҳам бир умрга бахтли бўлиб кетишолмайди. Энг ачинарлиси, кўпинча бундай ҳолатларда бир ёки бир неча фарзанд билан ота уйига қайтган оналар моддий жиҳатдан қийналишади. Ноилж, алимент масаласида судга муурожаат қилишга мажбур бўлишади.

Суд қарорини ижро этиш эса, мажбурий ижро бюроси давлат ижрочилари зиммасига юклатилган.

Мажбурий ижро бюроси давлат ижрочилари томонидан вояга етмаган, моддий ёрдамга муҳтож фарзандларнинг алимент пулларини ўз вақтида ундириб бериш, тушунтириш ва хулоса чиқармаган қарздорларга нисбатан чоралар қўриш борасида тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Фуқаролик ишлари бўйича Каттақўрғон туманлараро судининг 2017 йил 6 январдаги буй-

руғига асосан қарздор С.Султоновдан ундирувчи Д.Холикуловнинг фойдасига уч нафар фарзанднинг моддий таъминоти учун алимент ундириш белгиланган. Давлат ижрочилари томонидан берилган тушунтиришлар ва оғохлантиришларга қарамасдан қарздор шу кунга қадар алимент тўлашдан бўйин товлаб келган. Натижада, унинг алимент қарздорлиги бугунга келиб 20 миллион сўмга етган. Ўзи эса яшаш жойидан кетиб қолган. Унга нисбатан қидирув эълон қилиниб, олиб борилган тезкор қидирув тадбирлари натижасида қарздор С.Султонов Нарпай туманидан топилди ва унга нисбатан тўлганган ҳужжатлар Пахтачи туман маъмурий судига юборилди.

Маъмурий суднинг қарорига асосан қарздор С.Султоновга нисбатан 15 сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинланди.


Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, фуқаро берилган жазодан тегишли хулоса чиқармаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 122-моддасига асосан жиноий жавобгарликка тортилади.

Фарзанд таъминоти учун

Қамолдин ДАДАБОВЕВ,
МИБ Янгйер шаҳар бўлими бошлиғи ўринбосари

Муқаддас даргоҳнинг дарз кетиши ачинарли, албатта икки томонга боши огаётган ёшлар фарзандлар олдидаги бурчини баъзан ёддан чиқармоқда. Ачинарлиси, баъзи оталар боладан воз кечгани етмагандай, уни моддий таъминлашдан ҳам бўйин товлашмоқда. Ана шундай оталарга қонунимизга кўра доимо бола манфаати давлат ҳимоясида эканлигини таъкидламоқчимиз.

Фуқаролик ишлари бўйича Гулистон туманлараро суди қарздор Ш.Равшановдан ундирувчи Ю.Равшанова фойдасига вояга етмаган фарзанди моддий таъминоти учун алимент ундириш ҳақида қарор чиқарганди. Ижро ҳужжатларини юритиш давомида Мажбурий ижро бюроси Янгйер шаҳар бўлими томонидан қарздордан фарзанди таъминоти учун 32 миллион 781 минг 314 сўм алимент пулларини ундириб берилди.





МАИШИЙ КОРРУПЦИЯ

унга қарши қандай курашиш мумкин?!

Бекзодбек МИРЗАНАЗАРОВ,
Бosh прокуратура Академияси
тинловчиси

Боғчада тарбияланаётган фарзандимиз "гап" топиб келади: "Эртага боғча опамизнинг туғилган кунлари экан..."

Сўзсиз тушунамиз: эртага боғча опага совға бериш керак! Бўлмаса, боламизга "ўгай кўз" билан қарай бошлайди...

Яқин кийимиз бетоб бўлиб, шифохонага ётди. Дарров шифокор ва ҳамшираларнинг чўнтагига беш-ўн сўм солиб қўйишга ҳаракат қиламиз. Акс ҳолда, яқинимиз ётган палатага тез-тез кириб, беморлар ҳолидан хабар олиш, муолажаларни вақтида қилиш уларнинг "эсидан чиқиб қолади"...

Мактабда ўқиётган фарзандларимизнинг ўқитувчисига ҳам байрам, туғилган кун баҳона бир нималарни илинамиз. Ахир боламиз доим мактов эшитиши, устозининг "энг эркатой" ўқувчиси бўлиши шарт!..

Булар аслида маиший коррупциянинг бир кўриниши эмасми?!

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда аксарият давлатларнинг жиддий муаммоларидан бири — коррупция, шу жумладан, маиший коррупция бўлиб қолмоқда. Айниқса, маиший коррупция жамият ривожланишига кескин салбий таъсир этиб, фуқароларнинг кундалик муносабатларига айлана бормоқда. Шу боис, унга қарши кураш халқаро миқёсга кўтарилди, жаҳон сивёсатининг муҳим масалаларидан бирига айланди. Чунки маиший коррупция иллатини деярли исалган давлатда кўриш мумкин.

У демократия ва ҳуқуқ устуворлиги асосларига путур етказиб, инсон ҳуқуқлари бузилишига олиб келади.

Шунингдек, маиший коррупция тadbиркорлик фаолияти ривожланишига ҳам салбий таъсир этиб, фуқароларнинг ҳаёт сифатини ёмонлаштиради, уларнинг хавфсизлигига таҳдид соладиган уюшган жиноятчилик, терроризм ва иллатларнинг илдиз отишига замин яратиб беради.

Бугун мамлакатимизда барча соҳаларда бир қатор ислохотлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Бироқ уларнинг самарали амалга оширилишида маиший коррупция каби иллатлар жиддий тўсиқ бўлаётгани ҳеч кимга сир эмас. Мамлакатимиз Президентини Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йилгига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида "Жамият ривожига гов бўлаётган яна бир иллат — бу коррупция баласидир", деб айтган сўзлари бу иллат нақадар хавфли эканлигини, давлат ва жамият ривожига салбий таъ-

давлат органлари ва мансабдор шахсларига бўлган ишончини мустаҳкамлашга, республиканинг инвестициявий жозибдорлигини оширишга, шунингдек, коррупция тусидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишга қаратилган "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш назарда тутилган эди.

Шунга асосан Ўзбекистон Республикасининг "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуни 2017 йил 3 январь кунини қабул қилинди. Ушбу Қонун ўз ўрнида юртимизда коррупцияга, шу жумладан, маиший коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, чек қўйиш, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни

Аксарият инсонлар муаммо ечимини мансабдорларнинг маошини оширишда деб билишмоқда.

сир этаётганлигини кўрсатиб турибди.

Юртимизда коррупцияга, шу жумладан, маиший коррупцияга қарши курашга алоҳида аҳамият берилиб, уларнинг олдини олишга қаратилган қатор чора-тадбирлар белгиланмоқда. Хусусан, Президентимиз томонидан 2016 йил 5 октябрда қабул қилинган "Тadbиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатдан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармон ҳам фикримизни тасдиқлайди. Унда фуқаролар ва тadbиркорларнинг, энг аввало,

бартараф этиш бўйича давлат муассасаларининг вазифа ҳамда ваколатларини белгилаб беришга хизмат қилмоқда.

Шунингдек, Президентимизнинг 2017 йил 2 февралдаги 2752-сонли қарори билан "Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идораларо комиссияси тўғрисида"ги Низом тасдиқланди. Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идораларо комиссияси таркиби шакллантирилди. Ҳозирда ушбу республика идораларо комиссияси ва унинг ҳудудий идораларо комиссиялари томонидан Низом талаблари асосида фаолият юртиб келинмоқда.

Коррупция бу — шахсинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланишидир.

Маиший коррупция экзотик хусусиятга эга бўлиб, фуқароларнинг кундалик ҳаёти ва оилавий ахлоли билан боғлиқдир. Маиший коррупция бу — оддий фуқаролар ва амалдорларнинг ўзаро алоқалари натижасида вужудга келади. Унинг таркибига фуқаролардан мансабдор шахс ва унинг оила аъзоларига турли совғалар ва хизматлар кўрсатишлари қиради. Ҳозирги кунда маиший коррупция ва унга хайрихоҳлик юқори доиралардаги коррупцияга қараганда икки баробар хавфли. Чунки аҳоли унга ҳар кунини дуч келиши мумкин. Масалан, юқорида айтганимиздек, оддийгина муаммо билан шифокорга ёки нотариусга мурожаат қилиб, коррупцияга рўпара келган шахс албатта, уларнинг юқори органлари ёхуд бошқа муассасаларга нисбатан ҳам шубҳаланиши ёки ишонсизлиги юзага келишига сабаб бўлиши мумкин. Бу, ўз ўрнида, бир муттаҳам шахсинг ўз манфати учун қилган ноқонуний ҳаракати бир тизим ёки давлат ва нодавлат ташкилоти раҳбари меҳнатини, юртимизда амалга ошираётган ислохотларни йўққа чиқаришга, энг ёмони, халқ орасида хурмати йўқолишига олиб келиши мумкин.

Йиллар ва асрлар давомида инсонларнинг коррупцияга муносабати ўзгариб турган. Инсон унга жуда тез мослашади, ҳатто хайрихоҳ ҳам бўлиб қолади. Биз негадир коррупция, маиший коррупцияни бедаво дард, инсон иродасидан юқори турувчи куч сифатида таърифлашга мойилмиз. Гўёки унга қарши курашиш натижасиздай.

Аксарият инсонлар муаммо ечимини мансабдорларнинг маошини оширишда, деб билишмоқда. Энди тасаввур қилиб кўрамиз: ўрта бўғиндаги бир амалдорнинг 3 миллион сўм атрофида ойлик иш ҳақи бор, лекин одамга ўхшаб яшаши учун (унинг наздида) ойига камида 5 миллион сўм керак. На чора, руслар айтганидай, "яхши яшашни таққилаб бўлмайди", у ҳам шу фикрда, қолган 2 миллион сўмни маиший коррупция ортидан топишга уринади.

Шукрки, бугун кўплаб фуқаролар аксарият муаммоларини маиший коррупция билан боғламай, коррупциясиз жамиятда яшашга ҳақли эканини тушуна бошлади. Демак, бу борада маълум бир ютуққа эришяпмиз, дейиш мумкин.

Айни пайтда биз маиший коррупциянинг миқёс ва мақоми, сабаб ва оқибатларини англашимиз учун тадқиқотларга, улар асосида ишлаб чиқилган миллий ва ҳудудий дастурларга муҳтожмиз. Аввало, ўқувчилар, талабалар ва аҳоли онгида маиший коррупцияга муросасиз муносабатни шакллантиришимиз керак. Қолаверса, ҳар қадамда дуч келинадиган муаммоларни "беш-ўн сўм билан битирин" дардидан қутулишимиз, ўз виждонимиз билан шунга қарши курашимизгимиз шарт. Шундагина қутулган натижага эриша оламиз.

Келгуси сонда ▶

Баҳс

давом этади:

**ТАРБИЯ
УСТУНМИ
ЁКИ
ТАЪЛИМ?**

HUQUQ

YURIDIK GAZETA

MUASSIS:

**O'zbekiston
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi**

BOSH MUHARRIR:

Jahongir MAKUMOV

TAHRIIR HAY ATI:

**Erkin YULDASHEV
Halim BOLTAYEV
Djaxongir MIRSAFAYEV
Surayyo RAHMONOVA
Utkirjon DEXKANOV
Maqsudali QAMBAROV**

TAHRIIRIYAT
MANZILI:

Toshkent shahri, Yahyo
G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-40,
Faks: 233-10-53, 233-64-85

www.huquq.uz

info@huquq.uz

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va egalariга qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

«HUQUQ» materiallari ko'chirib bosilganida manbaa sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.

□ — tijorat materiallari.

Buyurtma v-3476.

17 558 nusxada bosildi.

Qo'g'oz bichimi A-3, hajmi 3 bosma toboq. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida teritdi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatchi muharrir: F.YODGOROVA
Sahifalovchi: S.BOBBOJANOV

Gazeta haftaning payshanba kuni chiqadi.
Sotuvda kelishilgan narxda

Nashr ko'rsatkichi 231

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi.
Korxonaga taqdim: Toshkent shahri, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Bosmasxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-7617



МУБОРАКБОД ЭТАМИЗ!



Юртимизда қонун устуворлигини таъминлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган инсон, прокуратура фахрийси Равшан Умаров кутлуг 60 ёшни қарши олмоқда.



Прокуратура идораларида кўп йиллар самарали фаолият юритган инсон, прокуратура фахрийси Дуйсенбай Шамшетов кутлуг 60 ёшни қарши олмоқда.



Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасидаги ўз тажрибасини ёш кадрларга ўргатишда фидойилик намуналарини кўрсатган инсон Убайдулла Утепов кутлуг 60 ёшни қарши олди.

У прокуратура органлари тизимидаги меҳнат фаолияти давомида Миробод туман прокуратураси терговчиси, катта терговчиси, Тошкент шаҳар прокуратурасида бўлим прокурори, шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси, шаҳар прокуратурасида бўлим бошлиғи лавозимларида самарали хизмат қилиб, қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш каби касбий вазифаларни бажаришга масъулият билан ёндашди.

Иш жараёнида жамоа ходимларига нисбатан талабчан, ҳамфикр, ўз соҳасида ҳам, жамоат ишларида ҳам соғлом рақобатнинг яратувчиси бўлди.

Бугун сафимизга кириб келаётган ёш ҳуқуқшунос ходимлар уни амалий тажрибаси ва касб маҳорати сирларини сидқидилдан ўргатган тажрибали мураббий, меҳрибон устоз сифатида юксак қадрлайди.

Равшан Умаровнинг узоқ йиллик хизмат фаолияти прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳолашиб, бир неча маротаба рағбатлантирилди.

Хурматли Равшан Умаров, таваллуд айёмингиз муборак бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга мустаҳкам соғлик, оилавий тотувлик, хонадонингизга тинчлик-осойишталик ҳамда фаровонлик тилаймиз!

У прокуратура органлари тизимидаги меҳнат фаолияти давомида Кегейли ва Қораўзақ туман прокуратураларида терговчи, Чимбой ва Қораўзақ туман прокурори ёрдамчиси, Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасида криминалист-прокурор, бўлим бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг катта ёрдамчиси, Мўйноқ туман прокуратураси терговчиси лавозимларида самарали хизмат қилиб, қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш каби касбий вазифаларни бажаришга масъулият билан ёндашиб, хизмат бурчига содиқлиги билан ҳамкасблари хурматиغا сазовор бўлди.

Меҳнатсеварлик, ташаббускорлик, самимийлик ва фидойилик каби фазилатлари билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари орасида эътибор қозонди.

Шогирдлари уни касб маҳорати сирларини сидқидилдан ўргатган тажрибали мураббий ва меҳрибон устоз сифатида қадрлашади.

Хурматли Дуйсенбай Шамшетов, таваллуд айёмингиз муборак бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга мустаҳкам соғлик, узоқ умр, оилавий тотувлик, хонадонингизга тинчлик-осойишталик ҳамда хотиржамлик тилаймиз!

У прокуратура органларидаги меҳнат фаолияти давомида Бўзатов туман прокуратурасида иш ўрганувчи-терговчи, туман прокуратураси терговчиси, Чимбой туман прокурорининг катта ёрдамчиси, Қонлиқўл туман прокурорининг ёрдамчиси, Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасида бўлим прокурори, Нукус шаҳар ва Шўманай туман прокурорининг ёрдамчиси, Хўжайли тумани прокурорининг катта ёрдамчиси лавозимларида хизмат қилди.

2018-2019 йилларда эса Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасида бўлим бошлиғининг ўринбосари лавозимида самарали фаолият олиб борди.

У фаолияти давомида фидойилик ва ташаббускорлик каби фазилатлари билан ҳамкасблари орасида хурмат қозонди.

Хурматли Убайдулла Утепов, Сизни 60 ёшингиз билан самимий муборакбод этамиз. Сизга ва оила аъзоларингизга сихат-саломатлик, бахт-саодат тилаймиз.


Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Марказининг Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бўлими

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази

РЕКЛАМА



ҚУРИЛИШ КОМПАНИЯСИ



*Азиз юртдошлар,
“Боғдод карвон”
қурилиш компанияси
сизларни Рамазон
ҳайити билан самимий
муборакбод этади.*

Ушбу саодатли кунларда барчамизнинг тутган рўзаларимиз қабул, ибодатларимиз мақбул ва дуоларимиз мустажоб бўлишини Аллоҳдан сўраймиз. Яратганнинг раҳмати ва баракоти ёғилиб турган ушбу дамда, юртимиздаги тинчликдек улуғ неъматнинг бардавом бўлишини, халқимизни, жонажон Ватанимизни офату кулфатлардан, бало-ю қазолардан ўз паноҳида сақлашини, осмонимиз мусаффо, ҳаётимиз бундан-да фаровон, неъматларимиз янада зиёда бўлишини тилаб қоламиз.

12

6-ИЮН 2019-Ҳ. ҲУҚУҚ № 23 (1468)

Ўзбекистон миллий терма жамоаси ўртоқлик ўйинида Туркия терма жамоасига 2:0 ҳисобида мағлуб бўлди.